БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 13 (19.089). ● 1985 йил 16 январь, чоршанба ● Баҳоси 3 тийин.

БИЗНИНГ БУНДАН ОЛДИНГИ БУТУН ТАРАҚҚИЕТИМИЗ НАТИЖАСИДА КПСС XXVI СЪЕЗДИНИНГ, МАРКАЗИЙ КОМИТЕТНИНГ СЪЕЗДДАН КЕЙИНГИ ПЛЕНУМЛАРИНИНГ ҚАРОРЛАРИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ БОРАСИДА ПАРТИЯ БИЛАН ХАЛҚНИНГ ЖУДА КАТТА ИЖОДИЙ ИШИ ЖАРАЁНИДА БИЗ ШУНДАЙ МАРРАЛАРГА ЧИҚИБ ОЛДИККИ, ЭНДИ БИЗ СОЦИАЛИЗМ ҲАҚИДА ИЛМИЙ НАЗАРИЯ ИШЛАБ ЧИҚҚАН ЮКСАК, ЭНГ ТАЛАБЧАН ТАСАВВУРЛАРГА ҚАРАБ ОЛҒА ТОМОН ҲАРАКАТ ҚИЛИШИМИЗ МУМКИН ВА ЛОЗИМ. ЖАМИЯТИМИЗ ҲАЕТИНИНГ БАРЧА СОҲАЛАРИДА ЕТИЛГАН ЧУҚУР СИФАТ ЎЗГАРИШЛАРИНИНГ МОҲИЯТИ АНА ШУНДА.

К. У. ЧЕРНЕНКО.

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

РИВОЖЛАНГАН СОЦИАЛИЗМ ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИГА КЎТАРАЙЛИК

КПСС назария, стратегия ва тактикасининг баъзи актуал проблемалари

К. У. ЧЕРНЕНКО

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси

Ҳар бир йирик, бурилиш ясовчи тарихий маррада бошланаётган босқичнинг моҳиятини, янги вазифаларнинг ўзига хослигини ифодаловчи қисқа, аммо сермазмун назарий формулани бериш ҳамда революцион назариянинг энг янги хулосаларини амалий фаолият билан, партиянинг ғоялари ва иродасини миллионларнинг орзу-умидлари ва иродаси билан боғлаш имконини берувчи сиёсий шиорларни илгари сўриш бизнинг ленинчи партиямизнинг анъанасидир.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз ривожланган социализм босқичининг бошланишида турибди. Унга қадам қўйиш — партия билан халқ зўр бунёдкорлик фаолиятининг қонуний натижаси, биз ҳаққоний тарзда фахрланадиган меҳнат ўн йилликларининг якунидир. Шу билан бирга у бизда қурилган социализмни такомиллаштириш вазифаларини ҳал қилиш томон катта ва мураккаб бурилишнинг бошланиши ҳамдир.

Социализмни янада ривожлантириш ва коммунизм сари олға боришнинг принципиал масалаларига мазкур чуқур формулада ифодаланган сиёсий, ғоявий-назарий ва методологик ёндашиш ҳам КПСС Программасининг янги таҳрири устида олиб борилаётган ишга асос қилиб олинганки, бу Программани партиянинг навбатдаги, XXVII съездида муҳокама қилиш ва қабул этиш лозим бўлади. Мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг ўн иккинчи беш йилликка ва ундан узоқроқ истиқболга мўлжалланган планлари ҳам унинг йўл-йўриқлари билан мослаштириб олинади.

Партия съездга тайёрланар экан, босиб ўтилган йўлни ҳар тарафлама мушоҳада этишни, ишларнинг ҳозирги аҳволига аниқ илмий баҳо беришни, ундан келиб чиқадиган вазифаларнинг барча янги ва жуда мураккаб томонларини ҳар бир коммунистнинг, ҳар бир совет кишисининг онгига етказишни, уларни ижодий тарзда ҳал этишга эҳтиёж уйғотишни зарур деб ҳисоблайди.

1.

Коммунистик ижтимоий-иқтисодий формация биринчи фазасининг алоҳида, объектив зарур босқичи бўлган ривожланган социализм ҳақидаги марксча-ленинча концепция ҳозирги шароитда КПСС стратегияси ва тактикасининг асосини ташкил этади. Бизнинг партиямизнинг ва бошқа қардош партияларнинг тажрибасини, жаҳондаги воқеаларни чуқур анализ қилиш натижаси бўлмиш ушбу концепция илмий коммунизм назариясига қўшилган бениҳоя улкан ҳиссадир.

Методологик жиҳатдан ривожланган социализм концепциясининг ўзагини, унинг «тирик, жони»ни материалистик диалектика, тараққиёт ҳақидаги таълимот ташкил этади. Худди шу тараққиёт нуқтаи назари мазкур концепцияни фақат мустаҳкамлаш лозим бўладиган қоидалар йиғиндиси сифатида эмас, балки ижодий тарзда доимо бойитилиб борадиган қарашлар системаси, социалистик воқеликни билиш ва тубдан ўзгартиш қуроли сифатида тушуниш имконини беради. Масаланинг моҳияти ана шунда.

Айнан тараққиёт ҳақидаги таълимот Маркс билан Энгельсга инсоннят тарихини илмий асосда тушунишни ишлаб чиқиш, бу тарихда объектив қонуний процессни кўриш имконини бердики, бу процесснинг ҳар бир янги босқичи бунинг учун зарур моддий ва маънавий шарт-шароитлар етилмасидан аввал бошланмайди. Маркс билан Энгельснинг жамиятни социалистик асосда тубдан ўзгартиш зарурлиги ҳақидаги хулосасининг, ягона коммунистик формациянинг икки фазаси ҳақидаги таълимотининг асосини тараққиёт ғояси ташкил этади. Ленин ҳам социалистик революция, ўтиш даври назариясини, социализмнинг социал-иқтисодий етуклик поғоналари бўйлаб қонуний тарзда кўтарилиб бориши назариясини ишлаб чиқар экан, ана шунга таянди.

Партия бугунги кунда ҳам худди ана шу позицияларда туриб, сўнгги ўн йилликларда фан ва практикада пайдо бўлган барча муҳим янгиликларни умумлаштириб, социализмнинг ҳозирги назариясини бойитган бутун бир ғоялар комплексини илгари сурди. Мен илгари қайд қилиб ўтганимдек, асосий хулоса шундан иборатки, **коммунизм қурилиши билан бевосита боғлиқ бўлган вазифаларни ҳал қилишдан аввал ривожланган социализмнинг тарихан узоқ муддатли босқичини босиб ўтиш зарурдир.**

Бу хулоса назарий жиҳатдан ҳам, сиёсий жиҳатдан ҳам биз учун принципиал аҳамиятга молик. У, биринчидан, социал-иқтисодий етукликнинг жамиятимиз эришган босқичига бошимиздан кечаётган моментнинг ўзига хослигига илмий асосланган, утопия асоратидан мутлақ холи бўлган таъриф бериш; иккинчидан — социалистик фазанинг мазмуни ва қанча давом этиши ҳақидаги, коммунизмга ўтишнинг зарур шарт-шароитлари тўғрисидаги тасаввурларни аниқлаш; учинчидан — ана шу негизда КПССнинг стратегия ва тактикасини ҳам яқин келажакни, ҳам коммунистик истиқболни ҳисобга олган ҳолда ижодий тарзда янгилаш, конкрет вазифаларни таърифлаш ҳамда уларни бажаришга оммани сафарбар этиш имкониятини яратади.

Шу нарса ғоят муҳимки, бу хулоса бутун диққат-эътиборни бизнинг жуда улкан ютуқларимизга ҳам, мавжуд камчиликларга ҳам реалистик баҳо беришга қаратади, бу баҳо эса биринчисининг ҳам, иккинчисининг ҳам аҳамиятини ошириб юбормайди, камситмайди ҳам. Бундай баҳо тегишли амалий тадбирлар кўриш вазифасини юклайди.

Назариямизнинг кучи унинг ҳаққонийлигидадир, воқеаларнинг объектив жараёнига мувофиқлигидадир. Ву гап коммунистлар қурол қилиб олган методологияга ҳам батамом тааллуқли бўлиб, уни Ленин «марксистик реализмнинг революцион диалектикаси» (Тўла асарлар тўплами, 11-том, 157-бет), деб таърифлаганлиги бежиз эмас. Воқеликни унинг бутун конкрет хилма-хиллиги, серқирралилиги, зиддиятлилигида, муттасил ҳаракат қилиши, қуйидан юқорига томон ривожланиб боришида мушоҳада этиш — назарияга ҳам, сиёсатга ҳам алоҳида тийраклик бахш этувчи диалектиканинг асосий қонунидир. Бинобарин, кўриб турибмизки, ривожланган социализм босқичига қадам қўйган жамиятнинг реаллиги социалистик бунёдкорликдаги йирик, чиндан ҳам тарихий муваффақиятларнинг, ҳаётимизда мустаҳкам қарор топган умумкоммунистик асосларнинг ҳам, ҳозирги куннинг ҳал этилмаган вазифаларининг ҳам, кечаги кундан бизга мерос бўлиб қолган, принцип жиҳатдан илгарироқ, тараққиётимизнинг бундан олдинги босқичларида ҳал қилиниши мумкин бўлган проблемаларнинг ҳам зиддиятли тарзда қўшилишидан иборатдир.

Мамлакатимиз коммунизмнинг биринчи фазаси доирасида олға томон жуда илгарилаб кетди. Биз социализм йўли — асрлар давомида муттасил социал хасталик ва истиробларнинг манбаи бўлиб хизмат қилиб келган зиддиятларни чинакам қатъиян ҳал этиш йўли эканлигини амалда исботлаб бердик.

Совет жамиятимиз бугунги кунда социалистик ижтимоий муносабатларнинг ташкил топган системасидан иборат бўлиб, бу муносабатлар ишчилар синфини, колхозчи-деҳқонларни, халқ зиёлиларини, мамлакатнинг барча миллатлари ва элатларини иқтисодий, сиёсий ва ғоявий жиҳатдан бир бутун қилиб жипслаштиради. Муносабатларнинг ана шундай системасини яратиш, КПСС XXVI съездида қайд қилиб ўтилганидек, жамият ҳаётининг барча соҳаларини социализмга тарқибан хос бўлган коллективчилик асосларда қайта қуришни тугаллаш учун кенг имкониятлар очиб беради.

Ривожланган социализм босқичига қадам қўйилиши — совет халқининг буюк зафаридир. Аммо у, эндиликда бутун ҳаётимизда, айтайлик, ижтимоий организмнинг ҳар бир ҳужайрасида ҳамма социалистик принциплар ва нормаларга тўла-тўкис, изчил равишда ва оғишмай ўриоя қилинишини, деган маънони билдирмайди. Биз ҳали, маълумки, бунга эришганимизча йўқ, бизда ҳамма вазифалар ва проблемалар ҳам ривожланган социализм талаблари даражасида ҳал қилинмаяпти. Ҳозирги кунда партиянинг, унинг Марказий Комитетининг бутун фикри-зикри қаратилган хилма-хил проблемаларнинг бош илдизи ана шунда.

Дарҳақиқат: экономика соҳасини олиб кўрайлик. Унинг ҳозирги қиёфасини илғор техника ва технология билан қуролланган, оқилона ташкил этилганлиги ва юксак меҳнат унумдорлиги билан, ишлаб чиқаришнинг юксак иқтисодий самарадорлиги билан ажралиб турувчи бирлашмалар, корхоналар тобора кўп даражада белгилаб бермоқда. Булар халқ хўжалигимизнинг шундай бўғинларики, улар умуман ривожланган социализм талаблари даражасида турибди дейиш мумкин. Булар — келажакнинг реал куртаклари бўлиб, илмий-техника революцияси авж олиши, илмий-ишлаб чиқариш ва агросаноат интеграцияси, халқ хўжалигининг бутун системасида илғор тажрибанинг кенг ёйилиши билан биргаликда кўпайиб ва мустаҳкамланиб бориши лозим.

Айни чоғда, бизда аллақачон эскирган техника асосида ва кечаги кун технологияларини қўлланган ҳолда ишлаётган анчагина корхоналар бор, шунингдек кам малакали, қўл меҳнати устун бўлган корхоналар ҳам йўқ эмас, бундай меҳнат билан бизда ҳали ҳам миллион-миллион кишилар бандлиги маълум. Бу эса ушбу соҳада ишлаб чиқаришнинг моддий-техникавий ва ташкилий жиҳатлари, диалектика тили билан айтганда, ижтимоий мулк тақозо этган унинг социалистик социал-иқтисодий характерига муайян даражада зид келади деган маънони билдиради.

Бу ёш бошимиздан кечираётган даврнинг реал зиддиятидир. Уни ҳал этиш — орқада қолиб келаётган участкаларни, айниқса, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, хизмат кўрсатиш соҳаси каби тармоқларни илғорлар даражасига «етказиб олиш», бутун халқ хўжалиги самарадорлигини ошириш, унинг ҳамма тармоқларини интенсивлаштириш ишида ҳал қилувчи бурилиш ясаш демакдир. КПСС XXVI съезди ва Марказий Комитетнинг съезддан кейинги Пленумларида ҳам партия ана шундай вазифани қўйди.

Ҳаётимизнинг баъзи бир бошқа соҳаларида ҳам социалистик етуклик даражасида, социализмнинг юксак нормаларини рўёбга чиқариш даражасида, унинг жуда катта имкониятларидан фойдаланишда муайян тафовутлар учраб туради. Зеро, бизда меҳнатга, социалистик мулкка онгли муносабат намуналари билан ёнма-ён ишёқмаслик, хўжасизлик, кишилар бир қисмининг бошқалар ҳисобидан, жамият ҳисобидан ўз - маъмурчилигини таъминлашга интилиши, айрим истеъмол молларининг етишмаслигидан, меҳнат меъёри билан истеъмол меъёри ўртидаги контрол системасининг бўшашганлигидан ўз манфаати йўлида фойдаланиш ҳолларининг учраб туриши сир эмас. Ана шуларнинг ҳаммаси хўжалик механизмини жиддий равишда яхшилашни, тақсимлаш муносабатларини такомиллаштиришни, тартиб ва интизомни янада мустаҳкамлашни, ғоявий-тарбиявий иш самарадорлигини кучайтиришни талаб қилади.

Турли синфлар ва аҳоли гуруҳларининг ўзига хос манфаатларидаги тафовутлар ҳамда уларни оптимал равишда мувофиқлаштириб олиш зарурлиги келтириб чиқарадиган мураккаб проблемалар социал соҳада ҳам мавжуддир. Улар сиёсий соҳада ҳам мавжуд. Сиёсий соҳада биз, КПСС Марказий Комитетининг апрель (1984 йил) Пленумида қайд қилиб ўтилганидек, демократиямизнинг, энг аввало Советларнинг жуда бой имкониятлари билан улардан амалда реал фойдаланиш ўртасидаги муайян фарқни бартараф этишимиз лозим бўлади. Улар миллий муносабатлар соҳасида ҳам мавжуд, чунки бизга капитализмдан мерос бўлиб қолган шаклдаги миллий масалани ҳал этиш бу масала умуман кун тартибидан олиб ташланганлигини ҳам, биз аллақачон кишилар психологиясидаги ўтмиш сарқитларига маҳаллийчилик ёки миллий чекланганлик кўринишларига барҳам бера олганлигимизни ҳам билдирмайди.

Ўзининг келиб чиқиши ва характери жиҳатидан коммунизм биринчи фазасининг у ёки бу босқичига тааллуқли бўлган катта ва мураккаб проблемаларнинг бутун комплексини ҳал этиш эса партия бизда қурилган социализмни такомиллаштириш деб таърифлаётган кўп қиррали ишнинг мазмунини ташкил этади. Баъзи бир нарсаларни, чамаси, фақат охирига етказишгагина эмас, балки, қайтадан қилишга ҳам тўғри келади. Ленин «ҳали биз бошлаган ишни кўп марталаб охирига етказишимизга, қайтадан қилишимизга,

(Давоми иккинчи бетда)

Мўл ҳосил етиштирамиз

САМАРҚАНД ОБЛАСТЬ ПАХТАЧИ РАЙОНИДАГИ СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОЛХОЗНИНГ ИБОДУЛЛО РЎЗИЕВ БОШЛИҚ ПАХТАЧИЛИК БРИГАДАСИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1985 ЙИЛГИ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Пахтачилик бригадасининг меҳнатчилари партия XXVI съезднинг ва КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорларини бажара бориб, ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йилида муайян натижаларга эришдилар. 88 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 43,6 центнер пахта олинди. Давлатга 384 тонна юқори сифатли хом ашё сотилиб, халқ хўжалик плани 103,8 процент бажарилди. Жами пахтанинг 89 процента биринчи сортларга топширилди.

Бригада коллективи КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил октябрь Пленумида сўзлаган нутқидаги иш самарадорлигини ошириш ва ўн биринчи беш йилликни муваффақиятли якунлашга оид қоидалар ва хулосаларга амал қилиб, 128 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнер хирмон кўтариб, давлатга 640 тонна пахта сотиш, унинг камида 92 процентини биринчи сортларга топшириш, 200 тонна уруғлик пахта тайёрлаш, шу йўл билан қўшимча равишда 106 минг сўм даромад қилиш мажбуриятини олади.

Барвақт ва мўл ҳосил етиштиришга эришиш учун ғўзаларни ўстириш ва парвариш қилиш соҳасидаги барча агротехника ишлари сифатли ва қисқа муддатларда ўтказилади. Бунинг учун пировард натижага қараб меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашни такомиллаштириш иши давом эттирилади, бригада, звено ҳар бир аъзосининг онглилик даражаси оширилади.

Пахта етиштиришни кўпайтириш ва унинг сифатини ошириш юзасидан кўриладиган чоралар бригадага ялпи даромадни 350 минг сўмга етказиш, рентабелликни 3 процент ошириб, уни 56 процентга етказиш имконини беради. Ҳар бир гектар майдондаги ғўзаларни парвариш қилиш харажатлари 100 сўмга камайтирилади, шу йўл билан пул даромади 800 сўм кўпайтирилади. Бир центнер пахтанинг таннархи икки процент арзонлаштирилиб, 41 сўмгача туширилади.

Бригада коллективи Улуғ Ватан урушида қозонилган Ғалабанинг 40 йиллигига социалистик мусобақани кенг авж олдириб, жонажон Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVII съездини муносиб кутиб олади.

Социалистик мажбуриятлар бригада коллективининг умумий йиғилишида муҳокама этилиб, қабул қилинган.

24 ФЕВРАЛЬ — СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

ЯКДИЛЛИК БИЛАН МАЪҚУЛЛАНМОҚДА

Республикада ўтаётган округ сайловолди кенгашларида Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига кўрсатилган қуйидаги номзодлар қўллаб-қувватланди: Андижон область Охунбобоев номли совхоз сут соғувчиси **Олмосхон Сўпиева**, Қарши темирбетон буюмлар заводининг арматурачиси **Наталья Николаевна Иванова**, Ульянов район партия комитетининг биринчи секретари **Фармон Омонов**, Қашқадарё областидаги «Москва» совхозининг сут соғувчиси **Зулфия Бойматова**, Навоий область Қизилтепа районидаги «Ленинград» колхози правлениесининг раиси **Шоди Набиев**, Наманган область Тўрақўрғон районидаги «Партия XXV съезди» колхозининг аъзоси **Кимёхон Аҳмедовна Исомиддинова**, «Ўзэлектротерм» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Наманган заводининг токари **Юрий Васильевич Кочергин**, Наманган областидаги К. Маркс номли совхоз сут соғувчиси **Насибахон Саримсоқовна Давронова**, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти **Эркин Юсупович Юсупов**, Сирдарё областидаги «Малик» совхозининг директори **Михаил Ефимович Красильников**, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудири **Қаландар Тоиров**, Янгиердаги В. И. Ленин номли бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинатининг кранчиси **Тамара Романовна Диденко**, Қорақалпоғистон область партия комитетининг иккинчи секретари **Александр Иванович Балакин**, Қорақалпоғистон АССР «Коммунизм» совхозининг ишчиси **Жангил Майлибоева**, Қорақалпоғистон АССРдаги «Элликқалъа» совхозининг механизатори **Раҳмон Султонович Матупаев**, Нукус хўжалик ҳисобидаги автокорхонасининг ҳайдовчиси **Пердебой Сапаров**, Қорақалпоғистон АССРдаги Гагарин номли совхоз директори **Ўринбосар Кўккўзов**.

(ЎзТАГ).

СОВЕТ МУКОФОТИ ТОПШИРИЛДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов 15 январь куни Кремлда Австрия Коммунистик партиясининг Раиси Ф. Мурига Октябрь Революцияси орденини топширди.

В. В. Кузнецов КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми номидан Ф. Мурини юксак мукофот билан самимий муборакбод этди. У тинчлик, демократия ва социал тараққиёт учун курашдаги хизматлари, Австрия ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги дўстона муносабат ва ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси учун шу мукофот билан тақдирланди.

Мамлакатимиз коммунистлари, деб таъкидлади В. В. Кузнецов, Ф. Мури Австрия ва халқаро коммунистик ҳаракатнинг таниқли арбоби эканини биладилар, унинг коммунистик ва ишчилар ҳаракати бирлиги ва жипслигини марксизм-ленинизм, пролетар интернационализми принциплари асосида мустаҳкамлаш йўлида доимий сарф-лаётган куч-ғайратларига муносиб баҳо берадилар. Совет Кишилари Австрия Коммунистик партиясининг Австрия Республикаси доимий бетарафлик тўғрисидаги давлат шартномаси ва қонунига асосланган сиёсат ўтказиши учун курашини, Австрия Компартиясининг Австрия билан Совет Иттифоқи ўртасида дўстлик ва яхши қўшниларча ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссасини юксак қадрлайдилар.

Ф. Мури юксак мукофот учун КПСС билан Совет давлатига чуқур миннатдорчилик изҳор этди. Менинг фаолиятимга берилган бу баҳо, деди у, аввало Австрия Коммунистик партиясига, унинг мамлакатимиз ишчилар синфи ва барча меҳнаткашлари манфаатлари йўлидаги, халқаро бирдамликни мустаҳкамлаш, тинчлик, демократия ва социализм йўлидаги изчил курашига берилган баҳо деб биламан.

Австрия Компартиясининг КПСС билан интернационал бирдамлик ва мустаҳкам дўстликка ихлосмандлиги, унинг халқларимиз ўртасидаги дўстликни янада ривожлантириш ва кучайтириш учун қилаётган ҳаракатлари Австрия ишчилар синфининг манфаатларига, Австриянинг миллий манфаатларига мос бўлиб тушади, деб уқтирди Ф. Мури.

Қирқ йилдирки, Европа халқлари тинчлик шароитида яшаб келмоқдалар, деди Ф. Мури. Бунга биз аввало улуғ Совет Иттифоқининг мавжудлиги туфайли, унинг изчил тинчликсевар сиёсати туфайли эришдик. Социализм нақадар қучлироқ бўлса, ер юзидаги тинчлик шу қадар мустаҳкамроқ бўлаверади, деб тўла ҳуқуқ билан айта оламиз.

Мукофотни топшириш пайтида ҳозир бўлган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев, бошқа расмий кишилар Ф. Мурини мукофот билан самимий табрикладилар.

(ТАСС).

ХАЛҚ НОМЗОДЛАРИ

Ўзбекистонда Ўзбекистон ССР Олий Совети ва халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловга тайёргарлик кенгайиб бормоқда. Сайловолди йиғилишларининг қатнашчилари депутатликка ўз номзодларини кўрсатмоқдалар, сайлов округида халқнинг энг яхши ўғил ва қизлари учун овоз беришга тайёр эканликларини айтмоқдалар.

КПСС XXV съезди номли Бухоро тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси **Шарофат Насруллаевна Тошева** 166-Тўқимачилик сайлов округидан, Жиззах область ижроия комитетининг раиси **Эркабой Исломов** 193-Баҳмал сайлов округидан, Жиззах областидаги «Партия XXIII съезди» совхозининг сут соғувчиси **Янгиш Дўсиёрова** 194-Гулбулоқ сайлов округидан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия комиссиясининг раиси **Раҳматулла Ҳамидуллаевич Абдуллаев** 205-Пахтакор сайлов округидан, Ўзбекистон ССР монтаж ва махсус қурилиш ишлари министри **Пўлат Нўъмонов** 208-Темир йўл сайлов округидан, Қашқадарё область Шаҳрисабз районидаги Ленин номли колхоз аъзоси **Нафиса Раҳимовна Рўзиева** 242-Мироқи сайлов округидан, Навоий область Хатирчи районидаги «Коммунизм» колхозининг аъзоси **Гулнора Тошназаровна Равшанова** 255-Хатирчи сайлов округидан, Наманган шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **Шавкат Муҳиддинович Йўлдошев** 267-Куйбишев сайлов округидан, Наманган область Учқўрғон районидаги «Андижон» колхозининг пиллачиси **Мукаррам Ҳалилова** 291-Қайқи сайлов округидан, Сурхондарё область, Сариосиё районидаги «Ленинизм» колхозининг аъзоси **Салима Қодировна Исмонлова** 380-Сариосиё сайлов округидан, Тошкент олий партия мактабининг ректори **Мирзағани Искандаров** 384-Телпакчинор сайлов округидан, Сурхондарё областидаги Ленин номли совхоз-техникумнинг звено бошлиғи **Тўғи Юнусова** 385-Ленин йўли сайлов округидан, Сирдарё область партия комитетининг иккинчи секретари **Асхад Ҳабибуллаев** 391-Пахтаобод сайлов округидан, Хоразм область, Хива районидаги Фрунзе номли колхоз механизатори **Рўза Шарипова** 475-Саёт сайлов округидан, Қорақалпоғистон АССР, Мўйноқ районидаги «Амударё» колхозининг балиқчиси **Қуандиқ Исмонлов** 493-Мўйноқ сайлов округидан, Хўжайлидаги халқ истеъмоли моллари фабрикасининг тўқувчи **Онмгул Ўзақбергановна Жуманиёзова** 503-Хўжайли сайлов округидан, Бўзатов район партия комитетининг биринчи секретари **Совет Матчонов** 510-Бўзатов сайлов округидан республика давлат ҳокимияти олий органи депутатлигига номзод қилиб кўрсатилдилар.

(ЎзТАГ).

1988 ЙИЛ ҲИСОБИГА

Гулистон тикувчилик-галантерея фабрикасининг бригадири Мавжуда Умрзоқова шу кунларда 1988 йил ҳисобига меҳнат қилаётир. Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Мавжуда бу бирлан бошқаларга ўрнак бўлмоқда. Бригада аъзоларидан Боғдагул Усмонова, Гавҳар Абдиева ва бошқалар коллективнинг муваффақиятига баракали ҳисса қўшмоқдалар.

Мавжуда Умрзоқова бошлиқ бригада Буюк Ғалабанинг 40 йиллигигача ярим йиллик планни бажаришга ва топширикдан ташқари 30 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга қарор қилди.

РИВОЖЛАНГАН СОЦИАЛИЗМ ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИГА КЎТАРАЙЛИК

(Боши биринчи бетда).

қайтадан бошлашимизга тўғри келади» (Тўла асарлар тўплами, 44-том, 256-бет) деб уқтирганда бундай бўлиши мумкинлигини истисно этмаган эди.

Биз бугун босиб ўтилган йўлга якун ясаб, ўз моҳиятига кўра новаторларча бўлган ғояларни илгари сурар эканмиз, Ленининг битмас-туганмас меросига қайта-қайта мурожаат қилиб, ундан ўтмишни ҳам, ҳозирги кунни ҳам, келажакни ҳам чуқурроқ тушунишга ижодий туртки берувчи теран фикрларни топамиз.

Ленин революциямизнинг хусусиятлари ҳақида фикр юритар экан, ўзининг сўнггги асарларидан бирида «бутун дунё тарихида тараққиёт қонуни умумий бўлса ҳам, тараққиётнинг ё формаси ёки тартиби жиҳатидан ўзига хос хусусиятларни акс эттирадиган айрим паллалари бўлиши истисно қилинмайди, балки, аксинча, шундай бўлиши назарда тутилади...», «одатдаги тарихий тартибнинг... ўзгарищи» (Тўла асарлар тўплами, 45-том, 424, 426-бетлар) назарда тутилади деган хулосага келган эди. У «одатдаги тартиб» деганда ишлаб чиқарувчи кучлар ва маданият ривожининг социализмни бунёд этиш учун талаб этиладиган даражасига эришишни кўзда тутган эди. Бундай даража, Ленин уқтирганидек, том маънода эски Россияда йўқ эди. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси дарҳол мамлакатимизни сиёсий жиҳатдан энг илғор мамлакатга айлантирди. Тарихий маъноларини ўзгаришлар, Ленининг фикрига кўра, шундан иборат эдики, ишчи ва деҳқонлар даставвал ҳокимиятни қўлга олдилар, бу эса кейинчалик унинг негизида моддий-техникавий қолоқликни бартараф этиш, мамлакатнинг ишлаб чиқарувчи кучларини дунёдаги юксак даражага кўтариш имконини берди. Бизнинг ҳозирги баъзи бир проблемаларимиз ва қийинчиликларимиз тарихан худди шу нарса билан боғлиқки, ҳозирча ана шу ўзгарган «одатдаги тартиб» юзага келтирган вазифаларнинг ҳаммаси ҳам охиригача ҳал қилинганича йўқ. Уларни тўла-тўкис ҳал этиш ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида социализмнинг афзалликларини очиш учун, аста-секин коммунизмга ўтиш учун кенг майдон очиб беради.

Жамиятимизни такомиллаштириш, албатта, биз бугун кечагига қараганда, эртага эса — бугунгига қараганда яхшироқ ишлашимизни кўзда тутади. Лекин ёлғиз ана шунинг ўзи кифоя эмас. Гап ривожланган социализм босқичига қадам қўйишни, айтайлик, «байрам қилиш»дан иборат эмас. Янги шароитлар қўяётган талаблар характерининг ўзини, эришилган даража реалликлари билан аниқ мувофиқлаштирилган ҳамда энг аввало кўз илғайдиган келажакка мўлжалланган конкрет режалар ва мақсадларни аниқлаб олиш муҳимроқдир.

Бизнинг бундан олдинги бутун тараққиётимиз натижасида КПСС XXVI съездининг, Марказий Комитетнинг съезддан кейинги Пленумларининг қарорларини рўёбга чиқариш борасида партия билан халқнинг жуда катта ижодий иши жараёнида биз шундай марраларга чиқиб олдикки, энди биз **социализм ҳақида илмий назария ишлаб чиққан юксак, энг талабчан тасаввурларга қараб олға томон ҳаракат қилишимиз** мумкин ва лозим. Жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида етилган чуқур сифат ўзгаришларининг моҳияти ана шунда.

Биз социалистик жамиятимизни такомиллаштиришнинг бош йўлини очишда риоя қиладиган асосий мўлжаллар қандай? Масалани шу тарзда қўяр эканмиз, гап ўз тасаввурларимизни фақат қатъий аниқланган фактлар ва батамом муқаррар тенденциялар доирасидагина чуқурлаштириш ва конкретлаштириш ҳақида бориши мумкинлигини аниқ-равшан англаймиз. Партия марксча-ленинча қоидалар руҳида иш тутиб, ҳаёлан муфассал прогнозлар тузиб чиқишга берилмай, кейинги йилларда ўзининг назарий ва сиёсий хазинасини тараққиётнинг умумий йўлини равшанроқ кўришга, келажак йўлини аниқроқ қилиб очишга имкон берувчи қоидалар билан бойитди.

Партиянинг куч-ғайрати фан-техника тараққиётини анча тезлаштириш, социалистик хўжалик юритишнинг форма ва методларини ҳар тарафлама такомиллаштириш ва яхшилаш негизида энг аввало мамлакат экономикасини интенсивлаштиришни тугаллашга қаратилган, Энг илғор, ривожланган социализмнинг қатъий ўлчовларига тўғри келадиган моддий-техника базаси фақат шу тариқа яратилиши, демакки, совет халқи фаровонлигининг сифат жиҳатдан янги даражаси таъминланиши мумкин.

Биз бутун чоралар билан синфсиз социалистик жамиятнинг қарор топишига олиб борувчи жараёнларни чуқурлаштиришга, миллатларнинг янада равнақ топиши ва яқинлашувига кўмаклашаверамиз, ижтимоий муносабатларнинг ҳамма ерда социализмга хос бўлган социал адолат принципларига қатъийян мос тарзда ташкил топишига эришаверамиз.

Халқнинг социалистик ўзўзини бошқаришини тўла-тўкис амалга ошириш сиёсий системани ривожлантиришда биз учун асосий мўлжал бўлиб хизмат қилади. Биз уни жамият ва давлат ишларини бошқаришнинг шундай демократик системаси деб тушунамизки, бу система, Ленининг сўзларига кўра, фақат меҳнаткашлар учун эмас, балки меҳнаткашларнинг ўзлари орқали амал қилади. Аёнки, бу — партия ролининг янада ошиб боришини, жамиятга партиявий-сиёсий раҳбарлик даражасининг сифат жиҳатдан юксалтирилишини талаб этади.

Меҳнаткашларнинг чуқур билимларига, юксак онглилиги ва маданиятига таянмасдан туриб, иқтисодий ва социал-сиёсий тараққиётда юксак марраларни эгаллаб бўлмайди. Шу билан бирга янги ишлаб чиқариш-иқтисодий, социал ва сиёсий шароитларни яратиш пировард натижада инсонни уйғун тарзда камол топтиришни таъминлашга қаратилмоғи керак. Шахсни ҳар тарафлама камол топтириш бизнинг олий мақсадимиз эди ва шундай бўлиб қолаверади. Фақат шуни ёдда тутиш керакки, ҳар бир кишининг ҳар тарафлама камол топиши меъёри ҳаммаларнинг ҳар тарафлама камол топиши меъёри билан белгиланади, бу эса жамият социал-иқтисодий етуклигининг эришилган даражасига, унинг моддий ва маданий имкониятларига боғлиқдир.

Партиянинг чинакам новаторларча, чуқур ижодий хулосалари ва йўл-йўриқлари барча меҳнаткашлар томонидан ўзлаштирилиши, аслини олганда, ижтимоий онгни қайта йўлга солишни билдиради. Ана шунга қаратилган ғоявий-назарий, пропагандистик ишнинг аҳамияти ғоят каттадир. Кишилар онгини ривожлантиришни, социализм илмий назариясининг энг янги ғояларини халқнинг социал ижоди билан қўшишни биз батамом ҳақли равишда тузумимизнинг улкан афзаллиги, омма меҳнат ва ижтимоий активлигининг қудратли манбаи деб биламиз ва ҳамиша шундай деб билиб келганмиз. Шунинг учун ҳам ҳар бир совет кишисини юзага келаётган вазифаларнинг кенг миқёслилиги ва мураккаблигини аниқ тушунадиган қилиш, ғайрат-шижоат, ташаббускорлик билан ҳаракат қилиб, максимал натижаларга эришиб, бу вазифаларни маҳорат билан бажаришга тайёр турадиган қилиш мутлақо зарурдир.

Айни чоғда шуни доим ёдда тутиш керакки, бу ўринда гап фақат янги ғояларни назарий жиҳатдан ўзлаштириш ҳақидагина бораётгани йўқ. Партиянинг, совет ва хўжалик органларининг, жамоат ташкилотларининг барча даражаларда ва ҳамма ерда бутун ишини ана шу ғояларни ҳисобга олиб ташкил этишни йўлга қўйиш ҳаётий муҳимдир. Иқтисодий тараққиётнинг принципиал масалалари юзасидан кейинги вақтда КПСС Марказий Комитети ва ҳукумат қабул қилган қарорларнинг сиёсий маъноси ана шундан иборат. Совет ҳокимиятининг ҳозирги даврдаги ва ҳозирги замондаги реализм талабига мувофиқ бўлиши лозим. Бунинг маъноси нима?

Коммунистик формациянинг биринчи фазаси доирасида экономика нима қила олиши ва нима қила олмаслиги масаласига реалистик ёндашиш ғоят муҳимдир. Экономикани, гарчанд жозибадор бўлса-да, лекин етишиб бўлмайдиган мақсадларга қаратишга йўл қўйиб бўлмайди. Марксча-ленинча фандан ҳам, ҳаётдан ҳам бундай ажралиб қолганлик учун, бошқача қилиб айтганда волюнтаризм учун мукаррар жазо тортасан. Аммо бошқа томонга оғиб кетишга ҳам, яъни социалистик экономика имкониятларига бирон-бир тарзда етарлича баҳо бермасликка, унинг олдига вазифа қўйишда унинг бунёдкорлик кучи ҳақидаги пасайтирилган тасаввурларга таянишга йўл қўйиш керак эмас. Чунки бундай қилиш марксчи-ленинчиларга номуносиб, социалистик жамият революцион руҳининг ўзига ёт бўлган яроқсиз позициядир.

Бизнинг хўжалик ишларимизда кундалик ишлар билан ўралашиб қоладиган, улкан ғоялар ва мақсадлардан қўрқадиган тор амалиётчиликка йўл қўйилмаслиги лозим. Зеро, халқ хўжалигида ишлаётган айрим ўртоқларнинг бутун диққат-эътибори баъзан хусусий, бир дақиқалик проблемаларда бўлиши сир эмас. Экономикага ёндашишда кенг фикрлаш ва дадиллик етишмаслигини реализм талабини нотўғри тушуниш билан оқлаш — икки карра ёмондир. Қийинчиликлар ва мураккабликлардан кўз юмиб бўлмайди, ахир улар бизда бугунги кунда тўлиб-тошиб ётибди, шу боисдан эртани мўлжаллаб катта режалар тузмаган маъқулроқ, дейишади. Бу хилдаги, ибора жоиз бўлса, «реализм»га Ленин қандай муносабатда бўлганлигини эслатиб ўтиш ортиқчалик қилмайди: «...кўп йилларга мўлжалланган катта планлар пайдо бўлганда кўпинча шундай ноумидлар ҳам чиқиб қоладики, улар: бизга бундай кўп йилларни мўлжаллаш йўл бўлсин, ҳозир қилиниши керак бўлган ишларимизни бажарсак ҳам шукур қилишимиз керак, дейдилар. ...Унисини ҳам, бунисини ҳам бир-бири билан кўшиб олиб бора билиш керак; узоқ даврга ва жиддий ютуққа мўлжалланган план тузиб олмай туриб ишлаш мумкин эмас» (Тўла асарлар тўплами, 42-том, 180-бет).

Ишга худди шундай, ленинча ёндашиш иқтисодий ишда чинакам реализм намунаси бўлиб хизмат қилиши керак. Соф хўжалик режаларининг аниқлиги унда кенг сиёсий нуқтаи назардан иш юритиш билан, ҳозирги воқеликни ҳам, совет экономикасининг келажагини ҳам шакллантирадиган асосий нарсани умумлаштира ва ифодалай билиш билан узвий тарзда қўшиб олиб борилади.

Бундан бизнинг планларимиз ,хўжалик практикамиз шунчаки иқтисодий жиҳатдан эмас, балки, энг аввало, **сиёсий иқтисод** нуқтаи назаридан асослаб берилиши лозим деган маъно ҳам чиқади. Бошқача қилиб айтганда, улар социалистик экономика тараққиётининг объектив қонунларини билишга ҳамда улардан бутун чоралар билан фойдаланишга таяниши лозим. Агар улар билан ҳисоблашилмайдиган бўлса, реализм ҳақида гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Партия съездлари, Марказий Комитет Пленумлари хўжжатларида ривожланган социализм босқичида хўжалик юритишнинг интенсив методларига ўтиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини кескин ошириш объектив ижтимоий эҳтиёжга айланади, деган хулоса бор. Бу хулосанинг айни сиёсий-иқтисодий моҳияти муҳимдир. Мабодо у тушунилмай қолса, унда, тажриба кўрсатиб турганидек, назарий жиҳатдан чуқур ва тўғри ғоя практика учун кўп жиҳатдан ўзининг сафарбар этувчи, йўналтирувчи моҳиятини йўқотади.

Дарҳақиқат, бизни ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш томон ёки, бошқача сўзлар билан айтганда, моддий воситаларни камроқ сарфлаган ҳолда, ишловчиларнинг камроқ сони билан маҳсулотни кўпроқ олишга нима ундайди? Ўзича тўғри, лекин ҳар ҳолда чала, сиёсий-иқтисодий чуқур маънодан маҳрум бўлган жавоб шундан иборатки, кейинги вақтларда ишлаб чиқаришга жалб этилаётган моддий ва одам ресурсларининг чекланганлиги тобора кўпроқ сезилмоқда.

Ҳа, ресурсларнинг муайян даражада етишмаслиги мавжуд. Аммо ўзимизга мана бундай савол берайлик: ахир, бунинг акси бўлганда, яъни хом ашё, ёқилғи, материаллар, ишчи кучи талаб қилинган ҳар қандай миқдорда мавжуд бўлса, ҳозирги кунда хўжаликни замонавий тушунчага кўра исрофгарчилик методлари билан, экстенсив экономика учун характерли бўлган методлар билан олиб бориш мумкинмиди? Дарвоқе, бу асло масалани мавҳум бир тарзда қўйиш эмас. Зеро, ресурсларнинг кўп хиллари бўйича бизда етишмовчилик бўлмаган ва бўлмаяпти ҳам. Шундай бўлса-да, ҳозирги кунда улардан фойдаланишда ресурсларни қатъий равишда ҳисобга олмаслик ва тежаш ҳақида ҳар қадамда фаол ғамхўрлик кўрсатмаслик мумкин эмас.

Шунинг учун ҳам, совет экономикасининг ўз ютуқлари унинг экстенсив ривожланишини чеклаб қўйишига йўл қўйиб бўлмайди. Интенсивлаштириш заруратини ресурсларнинг фақат ва ҳатто унчалик етишмаслиги эмас, балки аввало бизнинг халқ хўжалигимиз ишлаб чиқаришнинг шундай ҳажмини таъминлаб қўйганлиги тақозо этдики, бундай шароитда олға томон ҳаракат қилиш учун ишлаб чиқаришни кенгайтиришдан кўра кўпроқ уни янгилаб туриш муҳим бўлиб қолди. Халқ хўжалик жараёнини ташкил этиб, йўлга солиб туриш вақтида асло «ўша нарсанинг ўзини, фақат кўпроқ миқдорда ишлаб чиқариш» хусусидаги фикрга амал қилиш ярамайди.

Маҳсулотнинг баъзи бир турлари ҳозирча етишмаяпти, албатта. Муайян вақт мобайнида ҳали бизнинг анча-мунча куч ва маблағларимиз хилма-хил таңқисликлар, номутаносибликларни бартараф этишга, «танг жойларни йўқотиш»га сарфланади. Бундан бошқа илож йўқ. Аммо шуни тушуниб олиш муҳимки, ана шу проблемаларни жуда тез ҳал қилиш учун чора-тадбирлар кўрганда асосий эътиборни бутун халқ хўжалигида сифат ўзгаришлари қилинишини таъминлашга қаратмоқ зарур. Шуни аниқ-равшан кўра билиш керакки, мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан, бундан буёнги тараққиёти ҳал қилувчи даражада ҳамма мавжуд ресурслардан қандай фойдаланилаётганлигига, ривожланган социализм экономикасининг табиати замирида ётган улкан бунёдкорлик кучларини ишга сола билиш маҳоратимизга боғлиқ.

Бу кучлар эса шундайки, бугун улар ўз олдимизга катта, программ аҳамиятга молик вазифани: мамлакатнинг ижтимоий меҳнат унумдорлиги жиҳатидан дунёда юксак даражага кўтарилишини таъминлаш вазифасини қўйиш имконини беради, тўғрироғи, ҳатто зиммамизга худди ана шундай вазифа юклайди, бундай вазифанинг қўйилиши ҳам сиёсий, ҳам социал, ҳам иқтисодий жиҳатдан асослангандир.

Биринчидан, модомики биз совет жамияти ҳаётининг барча жиҳатларини социализм ҳақидаги юксак, илмий тасаввурларга батамом мувофиқлаштиришга интилаётган эканмиз, меҳнат унумдорлиги ҳақидаги масала худди Ленин тушунтиргандек, принципиал аҳамият касб этади. Айнан меҳнат унумдорлигининг энг юксак даражасига эришишни у, маълумки, янги ижтимоий-иқтисодий формациянинг узил-кесил ва тўла-тўкис тантана қилиши учун «энг муҳим, энг асосий нарса» деб билар эди. Бинобарин, ривожланган социализмни такомиллаштириш жараёни ўз маъносига, мазмунига кўра шуни кўзда тутадики, Ленин томонидан таърифланган ушбу вазифа энди амалда ҳал этилиши лозим.

Иккинчидан, агар жамиятимизнинг бундан буёнги ривожи социалистик идеални тўла-тўкис амалга ошириш томон ҳаракат деб қараладиган бўлса, у ҳолда ана шу ривожланишнинг мукаррар социал мўлжали — халқ фаровонлигини ғоят юксалтиришдан иборат бўлади. Бунга фақат меҳнат унумдорлигини ошириш негизидагина эришиш мумкин. Унинг юксак даражаси социалистик жамиятда меҳнаткашлар ҳаёти даражаси ҳам худди шундай юксак бўлиши учун зарур ва етарли шароитдир.

Учинчидан, меҳнат унумдорлиги соҳасида дунёда биринчи ўринга эришиш йўли бизнинг ҳозирги иқтисодий имкониятларимизга мосдир. СССРда вужудга келган ягона кўп тармоқли халқ хўжалик комплекси қудратли ишлаб чиқариш-техника потенциалига эга. Маҳсулотнинг кўп турларини чиқариш бўйича мамлакатимиз дадил равишда пешқадамлик қилмоқда, дунёда унинг тенги йўқ. Бевосита ижтимоий меҳнат унумдорлигига келганда, унинг ўсиш суръатлари жиҳатидан Совет Иттифоқи етакчи капиталистик давлатлардан олдинда бормоқда. Гарчанд, ана шу ҳал қилувчи кўрсаткич бўйича совет экономикаси билан юксак даражада ривожланган капитализм ўртасида ҳали анчагина фарқ бор экан, уни бартараф этиш ва олдинга чиқиб олиш қўлимиздан келади.

Ана шу мақсаддан бизни ажратиб турган бутун масофани тезда босиб ўтиш мумкин, деб ўйлаш нотўғри бўлур эди. Аммо вазифа қанчалик улкан, қанчалик мураккаб бўлмасин, уни бажаришни кўз илғайдиган истиқболдан нарига суриб қўйиш учун ҳеч қандай асос йўқ. Шу боисдан ҳам у онгимизда яшаши, ҳозирги кундаёқ шундоққина кўз олдимизда туриши лозим. Бизнинг планларимиз, конкрет иқтисодий ечимларимиз у билан мувофиқлаштирилиши керак.

Совет экономикасининг энг яқин вазифаларига ҳам худди шу нуқтаи назардан қарамоқ лозим. Ҳозир масала шу тахлитда турибдики, 80-йилларнинг охирига қадар биз халқ хўжалиги самарадорлигини оширишда, унинг барча тармоқларини интенсивлаштиришда туб бурилиш ясашга эришишимиз зарур. Бундай бурилиш ясаш учун объектив шарт-шароитлар мавжуд. Гап уни амалга оширишга бизнинг бутун иқтисодий ишимизни қатъият билан қаратишда қолган.

Биринчи ва албатта қилиниши лозим бўлган нарса — халқ хўжалигининг барча тармоқларини техника билан жуда тез қайта қуроллантириш учун, энг прогрессив технологияларни ишлаб чиқаришда тез ўзлаштириш учун зарур бўлган ташкилий куч-ғайратни ва моддий воситаларни сафарбар этишдир. Бу ҳал қилувчи аҳамиятга молик вазифадир. Уни ҳал этиш — экономикани интенсивлаштириш ва самарадорлигини ошириш проблемасини ҳам ҳал этиш демакдир. Бинобарин, табиийки, мамлакатимизнинг жуда катта илмий-техникавий потенциалидан экономикада, ишлаб чиқаришда фойдаланиш масалалари, уни янада ривожлантириш ва ўстириб бориш масалалари ҳозирги кунда партиянинг диққат марказида турибди. Бу масалаларни КПСС Марказий Комитетининг яқин орада бўладиган Пленуми батафсил ва атрофлича кўриб чиқиши мўлжалланган.

Биз энг янги техника ва технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш ишидан олмоқчи бўлган натижа **ишлаб чиқарувчи кучларни сифат жиҳатдан тубдан ўзгартиш** деб тўғри таърифламоқда. Айни чоғда ҳар бир марксчига яхши маълум бўлган бир ҳақиқат бор, у нарса шундан иборатки, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши муқаррар равишда ишлаб чиқариш муносабатлари ташкил этадиган муайян ижтимоий формага эгадир. Биз бу ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаймиз, унутмаслигимиз керак, айниқса, шунинг учунки, ҳаёт ва бизнинг тажрибамиз уни муттасил эслатиб турибди.

Хўжалик экспериментлари доирасида жорий этилаётган янги иқтисодий формалар дарҳол ва сезиларли даражада ишлаб чиқариш аппаратини янгилашга, меҳнат унумдорлигини анча юксалтиришга кўмаклашаётган ҳолларда ижобий тарзда эсланиб турибди. Хўжалик юритишнинг ўтмишда ташкил топган ва ўзини оқлаган форма ва методлари янги техника йўлида ғов бўлиб қолган, уни цехга киритмаётган ҳолларда эса — салбий ҳодисага айланмоқда. Бундан фақат биргина хулоса чиқариш мумкин: бизнинг ишлаб чиқарувчи кучларни сифат жиҳатдан тубдан ўзгартиш ҳақидаги барча ўй-ташвишларимизнинг натижадорлиги тўғридан тўғри бизнинг ишлаб чиқариш муносабатларига тегишли ўзгартишлар кирита олишимизга боғлиқдир.

Ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш жараёнини авж олдириш мақсадида партия бошлаб берган ташаббуслар, у кўрган чора-тадбирлар ҳаммага маълум. Бригада пудратини фаол тарзда кенг ёйиш ҳам, агросаноат комплексларини ташкил этиш ҳам, хўжалик ҳисобини тобора чуқурроқ жорий этиш ҳам, хўжалик, ишлаб чиқариш фаолиятининг ҳамма жабҳаларида ўзаро чамбарчас боғлиқ икки асосни — **кўпроқ мустақиллик** билан **юксакроқ масъулиятни** мустаҳкам барқарор этишга даъват этилган салмоқли, гарчи ҳозирча изланиш характерида бўлган янгиликлар ҳам шулар жумласига киради. Бутун ана шу ишнинг фавқулодда аҳамияти шундай иқтисодий шароитларни яратишга мўлжалланганлиги билан белгиланадики, бу шароитларсиз халқ хўжалигини техника жиҳатдан қайта қуроллантириш, уни интенсивлаштириш хусусидаги йўл-йўриқлар, тўғрисини айтганимизда, қуруқ гап бўлиб қолаверади.

Юксак унумли техника, бунинг устига уни татбиқ этишдан ҳамманинг иқтисодий манфаатдорлиги — ана шу нарса, аслини олганда, фақат шу нарса хўжалик борасида етилган бурилишни воқеликка айлантириши, икки революциянинг — илмий-техника революцияси билан социал революциянинг кўшилишини таъминлаши, ишлаб чиқаришни социалистик асосда ташкил этиш афзалликларини янги куч билан очиб бериши мумкин. Бу афзалликлардан асосийси эса, деб таълим беради Ленин, — шундан иборатки, социализмда меҳнаткашлар оммаси олдида **«ҳар кимнинг ўзига ишлаши** учун имконият вужудга келмоқда, бунинг устига яна энг янги техника билан маданиятнинг барча ютуқларига суяниб ишлаш имконияти вужудга келмоқда» (Тўла асарлар тўплами, 35-том, 216-бет).

Ўз бахт-саодати йўлида, ўз манфаатлари йўлида ишлаётганлигини англайдиган халқ нечоғли улкан, мислсиз меҳнат зафарларига эришишга қодир эканлигини мамлакатимиз тарихи кўрсатиб турибди. Бундай тушунчани биз ҳозирги пайтда мустаҳкамлашимиз ва ривожлантиришимиз айниқса, муҳимдир. Нима учун, айниқса, ҳозир? Шунинг учунки, ҳар бир ходим, айнан ҳар бир иш жойида ишга манфаатдорлик, ташаббускорлик билан ижодий ёндашмаса, ишлаб чиқаришни асло интенсивлаштириб бўлмайди. Бунда ҳам, бизда ҳар қандай меҳнат ижтимоий бойликнинг кўпайишига хизмат қилади ва пировард натижада барча меҳнаткашларнинг фаровонлигини оширади, деган умумий тушунчагагина таяниб бўлмайди. Ҳар қандай ижтимоий фойдали иш уни бажарувчи томонидан айнан ўзи учун ишлаш деб бевосита ва сезиларли тарзда идрок этиши ҳақида жуда пухта жон куйдирмоқ лозим.

Ходимнинг ўз меҳнатидан шахсий манфаатдорлигини ошириш тўғрисидаги масала бизнинг моддий ва маънавий стимуллар системамизни такомиллаштириш, умуман тақсимлаш муносабатларини такомиллаштириш масаласидир.

Бунда иш ҳақининг меҳнат натижаларига, унинг унумдорлиги ва шароитларига қатъиян боғлиқлигини таъминлашдан иборат бўлган вазифа биринчи ўринга кўйилади. Иш ҳақининг меҳнат унумдорлиги ошишидан илдамроқ ўсишига йўл қўйиб бўлмайди. Бундай ҳол эса, афсуски, ҳали ҳам учраб турибди ва партия ҳужжатларида бир неча бор қайд қилинганидек, экономикага, халқ фаровонлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бироқ, бунга қарама-қарши, дейлик, характерга эга бўлган практика ҳам бизга сезиларли даражада зиён келтирмоқда, яъни кишилар ўз ишлаб чиқариш фаолиятларида жуда ҳам яхши натижаларга эришадилару, бунинг эвазига ҳеч қандай салмоқли ҳақ олмайдилар. Шу тариқа, қанчадан қанча ходимлар ишдан кўнгли совиганлигини, қанчадан қанча меҳнат ғайрати, ташаббуслари сўнганлигини, натижада халқ хўжалигимиз қанчалик зарар кўрганлигини ким ҳисоблаб чиқа олади?

Сўнгги вақтларда меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлаш формаларининг рағбатлантирувчи аҳамиятини ошириш учун анча-мунча ишлар қилинди. Бу жиҳатдан хўжалик ҳисоби асосида ишлайдиган илғор бригадаларда, иқтисодий эксперимент шароитида ишлаётган кўп корхоналарда дурустгина тажриба орттирилди. Фақат саноат ва қишлоқ хўжалигидагина эмас, балки хизматлар соҳасида, бошқарув фаолиятида ҳам меҳнат билан унга ҳақ тўлашни янада маҳкамроқ боғлаш имконини берадиган тадбирлар кўрилмоқда. Аммо, умуман олганда, шуни тан олиш керакки, биз ана шу тўғри йўналишда сust ҳаракат қилмоқдамиз. Ҳозирги шароитда Ленининг «тақсимот ишлаб чиқаришни кўтариш учун хизмат қиладиган бир метод, қурол ва восита» (Тўла асарлар тўплами, 43-том, 406-бет), деган кўрсатмасидан қандай амалий хулосалар чиқариб олиш лозимлигини, чамаси баъзи идораларимизда ҳали тегишли тарзда англаб олишмаган.

Партия социалистик қурилиш ўн йилликлари тажрибасини мушоҳада этиб, XXVI съездда мамлакат иқтисодий ва социал тараққиётининг ўзаро алоқасини кучайтириш тўғрисида ғоят муҳим хулоса чиқарди. Ҳозир биз тез-тез такрорлаб турадиган: яхшироқ яшаш учун, яхшироқ ишлаш керак, деган формула ҳам мавжуд ва у жуда сезиларлидир. Чунки жамият меҳнатсиз топилган даромадларга ўзининг муросасизлигини сўзда эмас, балки амалда яққол кўрсата оладиган бўлса, шунинг ўзи билан ҳам у ҳалол меҳнатни социал, маънавий жиҳатдан рағбатлантирган бўлади.

Аслида, бу ўринда, жамиятимизга хос бўлган социал адолат масаласи кўндаланг бўлиб турибди. Бизда кишининг киши томонидан эксплуатация қилиниши тугатилган. Жамиятнинг ҳамма аъзолари учун ишлаб чиқариш воситаларига нисбатан бир хил муносабат реал тарзда таъминланган. Жинсидан, миллатидан қатъи назар ҳаммага меҳнат қилиш, дам олиш, уй-жойли бўлиш, бепул медицина хизмати ва таълим олиш, кексайган чоғида таъминланиш тенг ҳуқуқи берилган. Партия билан давлатнинг социал сиёсати доимо халқ фаровонлиги даражасини оширишга, барча совет кишиларининг сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлашга, уй-жой фондини кенгайтиришга, умумий ва ҳунар таълими системасини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришга қаратилгандир. Ана шуларнинг ҳаммаси фақат социализм шароитидагина эришиш мумкин бўлган тенгликнинг юксак даражасини гарантиялайди.

(Давоми учинчи бетда).

2.

Биз ривожланган социализмни такомиллаштириш жараёнининг серқирралилигини уқтирар эканмиз, бу билан олдимизда турган ишнинг ҳажми ғоят катта эканлигига эътиборни қаратамиз. Бу иш тугалланадиган вақтни аниқ тайинлаш нечоғлик бемаънилиги равшан. Бунда муддатни совет халқи меҳнат фаолиятининг натижалари белгилаб беради. Бу муддат ҳал қилувчи даражада қайдай марраларга эришилганлиги, халқ хўжалигида қандай юксакликлар забт этилганлиги билан белгиланади.

Шунингдек мураккабликлар ва зиддиятларга тўла дунёда яшашимиз ва ишлашимиз лозим бўлишини ҳам унутмасликка тўғри келади. Ана шу муносабат билан ҳам экономика ўзига биринчи даражали эътибор берилишини талаб этади. Бизнинг мудофаа қудратимизнинг, совет халқи хавфсизлигини, тинч меҳнат шароитларини таъминлашга қаратилган барча куч-ғайратларимизнинг моддий асоси — экономикадир. Ўз хўжалик фаолиятимизнинг натижалари қанчалик яхши бўлса, биз қардош социалистик мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорликка шунчалик салмоқли ҳисса қўша оламиз, бу ҳамкорлик бизнинг ўзимиз учун, иттифоқчиларимиз учун, бутун жаҳон социализми учун шунчалик кўпроқ унумли бўлади.

Умуман айтганда, жаҳон шумул ташқи сиёсий стратегиямизни ишлаб чиқар экан, биз халқаро тараққиётга, жаҳон тарихи жараёнига ўзимизнинг асосий таъсиримизни ўз хўжалик муваффақиятларимиз билан кўрсатишимиз ҳақидаги фикрга амал қилмоқдамиз ва ҳамиша амал қилишимиз лозим. Хуллас, иқтисодий қурилиш — биз учун «асосий сиёсат»дир (Ленин).

Экономикамиздаги ишларнинг аҳволи, унинг муваффақиятлари, проблемалари ва қийинчиликлари — ана шуларнинг ҳаммаси ҳақида, табиийки, партия XXVII съездида батафсил гаплашиб олинади. Съезд ҳисобот давридаги мамлакат иқтисодий тараққиёти якунларини умумлаштиради, қилинган ва тўла бажарилмаган ишлар балансини чиқаради, халқ хўжалигини ривожлантиришнинг кейинги беш йиллик даврга ва аср охиригача мўлжалланган вазифаларини кўяди. Айни чоғда кўпгина иқтисодий масалалар, шу жумладан, принципиал аҳамиятга молик йирик масалалар бу гал съезд кун тартибига вақт бизни бир беш йилликни бошқасидан ажратиб турувчи календарь маррасига олиб келганлиги учунгина қўйилмайди.

Экономикамизнинг ўзи шундай бир маррага жуда яқинлашдики, бунда сифат силжишлари ва ўзгаришлари, айтайлик, муҳим зарурат бўлиб қолди. Шунга мувофиқ, партиянинг съездга тайёргарлик кўриши халқ хўжалигида етилган силжишларнинг моҳиятига чуқур баҳо беришга ҳам, шунингдек улар очиб берадиган яқин ва узоқ истиқболларга чуқур баҳо беришга ҳам тайёргарликни ўз ичига олади.

Ҳозирги кунда экономика билан боғлиқ бўлган бизнинг фикрларимиз ва ҳаракатларимиз ривожланган социализм концепцияси билан белгиланиши, унинг мазмунидаги реализм талабига мувофиқ бўлиши лозим. Бунинг маъноси нима?

Коммунистик формациянинг биринчи фазаси доирасида экономика нима қила олиши ва нима қила олмаслиги масаласига реалистик ёндашиш ғоят муҳимдир. Экономикани, гарчанд жозибадор бўлса-да, лекин етишиб бўлмайдиган мақсадларга қаратишга йўл қўйиб бўлмайди. Марксча-ленинча фандан ҳам, ҳаётдан ҳам бундай ажралиб қолганлик учун, бошқача қилиб айтганда волюнтаризм учун мукаррар жазо тортасан. Аммо бошқа томонга оғиб кетишга ҳам, яъни социалистик экономика имкониятларига бирон-бир тарзда етарлича баҳо бермасликка, унинг олдига вазифа қўйишда унинг бунёдкорлик кучи ҳақидаги пасайтирилган тасаввурларга таянишга йўл қўйиш керак эмас. Чунки бундай қилиш марксчи-ленинчиларга номуносиб, социалистик жамият революцион руҳининг ўзига ёт бўлган яроқсиз позициядир.

Бизнинг хўжалик ишларимизда кундалик ишлар билан ўралашиб қоладиган, улкан ғоялар ва мақсадлардан қўрқадиган тор амалиётчиликка йўл қўйилмаслиги лозим. Зеро, халқ хўжалигида ишлаётган айрим ўртоқларнинг бутун диққат-эътибори баъзан хусусий, бир дақиқалик проблемаларда бўлиши сир эмас. Экономикага ёндашишда кенг фикрлаш ва дадиллик етишмаслигини реализм талабини нотўғри тушуниш билан оқлаш — икки карра ёмондир. Қийинчиликлар ва мураккабликлардан кўз юмиб бўлмайди, ахир улар бизда бугунги кунда тўлиб-тошиб ётибди, шу боисдан эртани мўлжаллаб катта режалар тузмаган маъқулроқ, дейишади. Бу хилдаги, ибора жоиз бўлса, «реализм»га Ленин қандай муносабатда бўлганлигини эслатиб ўтиш ортиқчалик қилмайди: «...кўп йилларга мўлжалланган катта планлар пайдо бўлганда кўпинча шундай ноумидлар ҳам чиқиб қоладики, улар: бизга бундай кўп йилларни мўлжаллаш йўл бўлсин, ҳозир қилиниши керак бўлган ишларимизни бажарсак ҳам шукур қилишимиз керак, дейдилар. ...Унисини ҳам, бунисини ҳам бир-бири билан кўшиб олиб бора билиш керак; узоқ даврга ва жиддий ютуққа мўлжалланган план тузиб олмай туриб ишлаш мумкин эмас» (Тўла асарлар тўплами, 42-том, 180-бет).

Ишга худди шундай, ленинча ёндашиш иқтисодий ишда чинакам реализм намунаси бўлиб хизмат қилиши керак. Соф хўжалик режаларининг аниқлиги унда кенг сиёсий нуқтаи назардан иш юритиш билан, ҳозирги воқеликни ҳам, совет экономикасининг келажагини ҳам шакллантирадиган асосий нарсани умумлаштира ва ифодалай билиш билан узвий тарзда қўшиб олиб борилади.

Бундан бизнинг планларимиз ,хўжалик практикамиз шунчаки иқтисодий жиҳатдан эмас, балки, энг аввало, **сиёсий иқтисод** нуқтаи назаридан асослаб берилиши лозим деган маъно ҳам чиқади. Бошқача қилиб айтганда, улар социалистик экономика тараққиётининг объектив қонунларини билишга ҳамда улардан бутун чоралар билан фойдаланишга таяниши лозим. Агар улар билан ҳисоблашилмайдиган бўлса, реализм ҳақида гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Партия съездлари, Марказий Комит

РИВОЖЛАНГАН СОЦИАЛИЗМ ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИГА КЎТАРАЙЛИК

(Боши биринчи ва иккинчи бетларда).

Аммо, бу — социал адолатимизнинг фақат бир томони, холос. Социализмнинг: «Ҳар кимдан — қобилиятига яраша, ҳар кимга — меҳнатига яраша» деган асосий принципида аниқ ифодаланган бошқа бир жиҳат ҳам бор. Биз бутун ҳаётимизни социализмнинг юксак талаблари даражасига кўтаришга интилаётган эканмиз, бинобарин бу принципнинг ғоят изчил равишда амалда татбиқ этилишига ҳам эришиб боришимиз шарт. Меҳнатга яраша ҳақ тўлаш, неъматларни тақсимлаш — энг одил иш эканлигига мамлакатимизда , ҳеч ким шубҳа қилмайди ва шубҳа қилиши ҳам мумкин эмас. Ва, аксинча, борди-ю ундан чекиниш ҳоллари мавжуд экан, агар машъум текисчилик авж олар экан, бу ҳол ҳаққоний равишда виждонни азоблайди, адолатсизлик деб тушунилади.

Шу муносабат билан алоҳида таъкидлаш лозимки, меҳнатни **моддий** рағбатлантиришнинг тўғри йўлга қўйилган системаси фақат ишлаб чиқаришда фойда келтирибгина қолмайди. У меҳнат коллективларига, жамиятга, яъни ишнинг моҳиятига чуқур қараладиган бўлса, инсонга яхши **маънавий** таъсир ҳам кўрсатади. Бу эса жуда муҳимдир. Зеро, бизда, Маркс сўзлари билан айтганда, «инсон... ишлаб чиқаришнинг мақсади сифатида майдонга чиқади...». (К. Маркс Ф. Энгельс. Соч., т. 46, ч. 1, с. 476). Меҳнаткаш инсоннинг эҳтиёжлари ва манфаатлари иқтисодий ва бутун ижтимоий тараққиётимизнинг социал мақсади бўлиб хизмат қилади.

Жумладан, бу шуни назарда тутадики, социализмнинг асосий принципини изчиллик билан турмушга татбиқ этиш фақат унинг иккинчи қисмигагина («ҳар кимга — меҳнатига яраша») тааллуқли эмас. Меҳнат аҳлининг ўз лаёқатларини намоён қилиш ва ишга солиш учун шароит яратиб бериш ҳақида муттасил ғамхўрлик қилиши зарур. Буни ҳам социалистик адолат талаб қилади.

Зўр қизиқиш билан онгли равишда ишлайдиган кишилар — ҳозир мамлакат иқтисодий ривожини тезлаштириш учун зарур бўлган асосий, аслини олганда, битмас-туганмас резервдир. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда, партиямиз иқтисодий соҳадаги ишининг ҳажми кўпайган, мазмуни бойиган бир пайтда мазкур ишда одатда ишлаб чиқаришнинг инсоний омили деб аталадиган нарсага эътибор анча ошганлиги ғоят қонунийдир.

КПСС шунга таянадики, партия учун хўжалик билан шуғулланиш — энг аввало, хўжаликни юритувчи кишилар билан шуғулланиш демакдир. **Хўжалик ишларини сиёсий методлар билан олиб бориш — аслини олганда, экономикага партиявий раҳбарлик формуласи ана шундайдир.** Марказий Комитетнинг июнь (1983 йил) Пленуми ана шу ҳақиқатни тушуниб олиш учун кўп нарса берди. Пленум партиянинг идеологик, оммавий-сиёсий фаолияти масалаларини кўриб чиқиб, экономика нуқтаи назаридан ҳам муҳим бўлган қарорлар қабул қилдики, уларнинг асосий маъноси — оммаиинг онглилиги ва ғоявий эътиқодлилиги замиридаги катта-катта ижодий кучларни ҳаракатга келтиришдан иборатдир.

3.

Халқимиз революцион курашда ва социалистик бунёдкорликда қўлга киритган зафарларни совет кишилари Ленин партияси билан чамбарчас боғлайдилар. У жамиятдаги ўз раҳбарлик мавқеини илмий социализм идеаллари учун, ишчилар синфи, барча меҳнаткашлар манфаатлари учун фидокорона курашда қўлга киритди. Шунинг учун ҳам халқнинг ўзи уни жамиятнинг авангард кучи деб тан олди.

Жаҳон социализмининг бутун практикаси шундан яққол далолат бериб турибдики, **Коммунистик партия раҳнамолик ишини** олиб борган тақдирдагина янги ижтимоий тузум бунёдга келиши ва муваффақият билан иш тутиши мумкин. Ҳар бир янги тарихий босқичда партиянинг раҳбарлик роли ортади — буни ривожланган социализмни такомиллаштириш борасида қилинган иш тажрибаси ҳам тасдиқлаб турибди. Объектив қонуният ана шундай.

Ҳамма замонларда буржуазия идеологлари ва ревизионистлар орасида талайгина бўлган социализмни «янгиловчилар» ва «яхшиловчилар» лагерида партия раҳбарлиги доирасини торайтириш «зарурлиги» тўғисидаги тезис зўр бериб тарғиб қилинмоқда. Бу соҳадан гоҳ экономикани, гоҳ социал ёки сиёсий ривожлантириш проблемаларини чиқариб ташлаш таклиф этилади.

Принципиал нуқтаи назардан олганда, партиянинг раҳбарлик доирасини қандайдир бирон соҳа билан чеклаб қўйишга уриниш шунинг учун ҳам ўринсизки, ишчилар синфининг, барча меҳнаткашларнинг партия ифодалайдиган манфаатларини на соф иқтисодий, на соф социал ёки идеологик соҳадан иборат қилиб қўйиш мумкин эмас. Бу манфаатлар бутун ижтимоий ҳаётга сингиб боради. Партия эса, албатта, буни инкор этолмайди. Жамият ҳаётининг айнан ҳамма томонларини партия таъсири доирасига олиш зарурати социализм ўзининг етуклик палласига қадам қўйиб, яхлит система хусусиятини касб этган ҳамда иқтисодий, социал-сиёсий ва маънавий омилларнинг ўзаро алоқадорлиги, ўзаро боғлиқлиги ҳар қачонгидан ҳам мустаҳкамроқ бўлиб қолган бир пайтда янада кучаяди.

Партиямиз жамиятга раҳбарлик самарадорлигини ошириш йўлини бу раҳбарлик доирасини торайтиришда эмас, балки унинг методларини яхшилашда деб билади. Бу экономикани, социал муносабатларни, демократия ва маданиятни ривожлантиришга сиёсий таъсир кўрсатиш методларидир, оммани ишонтириш, уюштириш ва тарбиялаш методларидир. Иқтисодий ва социал сиёсатнинг ҳал қилувчи йўналишларини ишлаб чиқиш, уни амалга ошириш устидан контролни ташкил этиш орқали, социалистик қурилишнинг ҳамма участкаларида ишлаётган кадрлар, коммунистлар орқали партия ўзининг раҳбарлик ролини амалга оширади.

Бизнинг сиёсий системамиз партия билан совет халқини бир бутун қилиб жипслаштирувчи синалган механизм бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади. Партия бу механизмнинг жамиятимиз барча синфлари ва социал группалари манфаатларини кенг ифодалашидан, халқнинг ғайрат-шижоати ва ташаббускорлик кўрсатиши, юксак мақсад йўлида — ҳар бир кишининг давлат ва жамият ишларини бошқаришда бевосита иштирокини таъминлаш йўлида ишлаши учун янада кенг майдон очиб беришидан ғоят манфаатдордир.

Социализм ўз афзалликларини демократия орқали рўёбга чиқаради Партия раҳбарлик ролининг ўсиб бориши ва социалистик демократиянинг чуқурлашуви — ягона, яхлит, қонуний жараёндир. Партия бундан буён ҳам халқ ҳокимиятини амалга оширишнинг янги, янада самаралироқ воситаларини кенг кўламда излайверади, унинг амалда текширилган шакларидан яхшироқ фойдаланишга эришаверади. Ҳозирги кунда бу ишдаги асосий эътибор Советларга, меҳнат коллективларига, демократик системамизнинг барча бўғинларига бериб қўйилган кенг ҳуқуқларни тўла-тўкис ва изчиллик билан амалга оширишга қаратилган.

Шундай ва фақат шундай йўл билан жамият олдида турган вазифаларнинг жамини қамраб олиш, аҳоли барча синфлари ва табақалари манфаатларининг ўзига хослигини ҳисобга олиш, партиянинг омма билан жонли алоқалари системасини яхшироқ йўлга қўйиш мумкин.

Ҳозирги вақтда сиёсий системанинг ҳар бир бўғини ишини яхшилаш, уни омма ташаббусини бўғувчи бюрократик, маҳаллийчилик, маҳкамачилик иллатларидан тозалаш биринчи даражали муҳим вазифадир. Советлар, касаба союзлар, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотларининг функцияларини мумкин қадар аниқ чегаралашга, шунингдек уларнинг партия раҳбарлигида мустаҳкам ўзаро ҳамкорлик қилишга эришиш жуда муҳимдир. Бу ўринда ҳам кучларни тежашдек ўзига хос бир қонун амал қилиши лозимки, у жуда кам сарфлар қилиб, жуда катта ва барқарор натижалар олиш имконини беради.

Давлат аппаратининг иши ҳақидаги, бошқарув органларини такомиллаштириш тўғрисидаги масала алоҳида сўз юритса арзийдиган масаладир. Бу масала бир неча бор кўтарилди. Анчамунча ишлар ҳам қилиб қўйилди. Аммо, умуман олганда, иш ҳозирча сust бормоқда. Баъзи бир ўртоқлар уни жуда содда тасаввур этиб, масалан, вазифани аппаратни механик тарзда қисқартириш орқали, мавжуд бошқарув структураларини ўзгартирмасдан туриб ҳал этишга уринаётганликлари бунинг каттагина сабабларидан биридир. Бундай ёндашиш керакли самара бермайди, бера олмайди ҳам. Шундай метод билан қисқартирилган штатлар тезда тикланади, ҳатто ортиб ҳам боради.

Аппаратни қисқартиш уни рационаллаштириш борасидаги синчковлик билан олиб борилган ишнинг ўзига хос бир якуни бўлиши лозим. Гап бюрократик сансалорликни келтириб чиқарувчи ортиқча бўғинларни йўқотиш ҳақида, бошқарув меҳнатини ташкил этишни яхшилаш ва техника билан қуроллантириш ҳақида боради. У ёки бу бошқарув органининг оптимал структурасини ишлаб чиқишда асос қилиб олиниши мумкин бўлган ўзига хос бир концепция даркор, чамаси. Бунда хатто қандайдир янги бўғинларни барпо этиш ҳам зарур бўлиб қолар, аммо умумий натижа албатта қисқартиришдан иборат бўлиши керак.

Аппарат қанчалик яхши бўлмасин, ҳар бир раҳбар партия оммаси билан, меҳнаткашлар билан учрашишга, бевосита алоқа боғлашга доимо интилиши лозим. Маълумки, Сиёсий бюро аъзолари, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари бундай учрашувларни мунтазам равишда ўтказиб турадилар. Бу учрашувлар жуда кўп нарсалар бермоқда. Умуман олганда, бизда партия ахбороти системаси ҳам яхшигина ишлаб, оммаиинг кайфиятини сезгирлик билан пайқаб олиш, унинг фикр ва таклифларини ўрганиш имконини бермоқда.

Айни чоғда, бир қатор ҳолларда маҳаллий партия органлари, идоралар ва муассасаларнинг раҳбарлари салбий ҳодисалар ҳақида етарлича ахборотга эга эмаслар, ҳатто бундай ахборотдан тўғридан тўғри ўзларини олиб қочадилар, вазиятни соғломлаштириш учун зарур чоралар кўрмайдилар. Ўзбекистонда, Ростов областида, Краснодар ўлкасида худди шундай бўлди. Бу ерларда, маълумки, аҳволни қатъиян тузатишга тўғри келди. Афсуски, бу иш маҳаллий партия ташкилотларининг ташаббуси билан қилинмади. Ваҳолонки, жамоатчилик фикрининг барометри у ерларда аллақачон ижобий нуқтадан узоқлашиб кетган эди.

Партия раҳбарлик ролини мустаҳкамлашнинг ишончли йўли — партия комитетлари, давлат, хўжалик органлари, жамоат ташкилотлари фаолиятида ленинча норма ва принципларга, ленинча услубга изчил риоя қилишдир. Булар ўнлаб йиллик кураш ва бунёдкорлик давомида синовдан ўтди ҳамда ишимизни такомиллаштиришда энг муҳим мўлжал бўлиб қолаверади. Ана шу принциплар партиянинг характерини, тузумимизнинг, социалистик давлатнинг табиатини ифодалаганлиги учун ҳам уларни ҳамма ерда жорий этиш мумкинлигини гапириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Бу ўринда, табиийки, партия энг аввало партия ички ишини ташкил этиши, партия ички муносабатларининг етуклиги, партия раҳбарлиги услубининг ўзи билан намуна кўрсатиши лозим. Партия қарорларини кенг кўламда муҳокама қилиш, принципиал танқид ва ўз-ўзини танқид, барча партия раҳбар органлари ишидаги ошкоралик, бутун партия оммасининг сиёсатни ишлаб чиқиш ва муҳокама қилишда фаол иштирок этиши ҳамда қабул қилинган қарорларни амалга оширишдаги қатъий интизом — КПСС ички партия ҳаётининг ўзига хос белгилари ана шулардир.

Демократик централизмнинг синалган принципи биз, коммунистлар учун, албатта, биринчи даражали аҳамиятга молик. КПССда у ҳамма томонидан тан олинган ва унинг боқий аҳамиятини исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Марказий Комитет, бир томондан, партиямизда барча даражаларда демократизмни ривожлантиришга, чуқурлаштиришга, иккинчи томондан — қабул қилинган қарорларни амалга оширишда централизмни, уюшқоқликни ва бирликни мустаҳкамлашга муттасил эътибор бериб келмоқда. Ана шу ўзаро боғлиқ икки асоснинг — демократизм ёки централизмнинг биронтасини камситиш жиддий хатоларга олиб келиши мумкин.

Партия съезди яқинлашиб келаётган йилда партия ташкилотлари фаолиятида кейинги вақтда пайдо бўлган барча янги, мароқли ташаббусларни диққат билан ўрганиш, камчиликларни ҳам, албатта, эътибордан четда қолдирмаслик ғоят муҳимдир. Мамнуният билан қайд этиш мумкинки, бир қатор республика, ўлка, область партия комитетлари ишида ижодкорлик оқими тобора яққол намоён бўлмоқда. Украина, Белоруссия, Грузия, Литва Компартиялари Марказий Комитетлари, Москва шаҳар, Красноярск ўлка, Свердловск область партия комитетлари экономика, фан ва маданиятга раҳбарликнинг турли жабҳаларида кенг кўламда эксперименталр олиб бормоқда. Партия комитетларининг пленумлари ва бюроларига, партия съездлари ва конференцияларига қўйиладиган салмоқли проблемаларни бошланғич партия ташкилотларида даставвал кенг муҳокама этиш қоида тусини олди.

Яқинда КПСС Марказий Комитети фан-техника ютуқларини халқ хўжалигига жорий этишни тезлаштириш негизида экономикани интенсивлаштиришнинг территориал-тармоқ программасини ишлаб чиққан КПСС Ленинград область комитетининг тажрибасини маъқуллади. Ушбу тажрибанинг қиммати, бошқаларидан ташқари, шундан иборатки, у социал-иқтисодий жараёнларни бошқариш методларидан бирини, айтайлик, ҳозирча кўп масалалар ҳал қилинмай қолаётган территориал доирада кўрсатиб беради.

Албатта, ташаббус ҳам ҳар хил бўлади. Марказий Комитет бундан буён ҳам маҳаллий партия комитетларининг меҳнат, ҳом ашё ва энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ бўлган проблемаларни, аҳолининг оммавий истеъмол молларга, маиший хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондириш проблемаларини ҳал қилишдаги ташаббусини ҳар тарафлама рағбатлантираверади. Аммо, баъзан мана бундай бир ҳол ташвишга солади. Гоҳо айрим раҳбарларнинг бутун куч-ғайрати фойдадан кўра кўпроқ обрў келтирадиган ишларни кўришга сарфланаётганлигини кўрасан, киши. Бундай объектлар эса маблағ билан таъминлашнинг марказлаштирилмаган манбалари, деб аталадиган маблағлар ҳисобидан қурилади. Текшириб кўриладиган бўлса, планли объектлардан маблағлар олинганлиги, капитал маблағларни ўзлаштириш муддатлари чўзилиб кетганлиги, давлат тўғридан-тўғри зарар кўраётганлиги маълум бўлиб қолади. Бу хилдаги «ташаббуслар»га қарши биз қаттиқ кураш олиб борамиз.

Партия комитетлари ўз иш услубларини қунт билан такомиллаштира бориб, давлат ва хўжалик органларининг иш услубига ҳам фаол равишда таъсир кўрсатишлари лозим. Энг аввало, ўз ишини намунали тарзда йўлга қўйиш, талабчанликни ошириш билан таъсир кўрсатиш зарур.

Бўшанглик ва ижрочилик интизомини бузганлик учун талабни, айниқса, кучайтириш зарур. Жуда қаттиқ интизом бўлмаса, энг ажойиб қарорлар ва ниятлар ҳам фақат эзгу истаклигича қолаверади. Айни чоғда интизом бизнинг тушунчамизда асло демократиянинг қандайдир қарама-қарши томони эмас. Аксинча, интизом практикада кўпчиликнинг манфаатларини, партия билан халқнинг хоҳиш-иродасини рўёбга чиқариш имконини беради. Интизомсиз ва мустаҳкам ижтимоий тартибсиз демократия фақат чиройли ибора бўлиб қолаверади. Аммо интизом ташаббусни бўғиб қўймаслиги лозим, албатта. Ишни аниқ ташкил этиш учун кураш уюштирувчилик кетидан қувишга айланиб кетмаслиги керак.

XXVII съездда биз КПСС Уставига киритиладиган ўзгаришлар масаласини муҳокама қиламиз. Устав —партия ҳаёти қонунидир, ифодали қилиб айтганда, партиямиз конституциясидир. Шунинг учун ҳам партия ташкилотларидан тушаётган таклифларни, шунингдек қардош социалистик мамлакатлар компартияларининг тажрибасини зўр диққат-эътибор билан ўрганмоқ лозим. Хуллас, Устав устида пухта ўйлаб, ижодкорлик билан ишлаш керак. Бу, шубҳасиз, партиянинг демократик асосларини янада мустаҳкамлашга, барча коммунистлар учун қатъий ва ягона бўлган интизомни кучайтиришга, барча коммунистларнинг активлиги ва ташаббускорлигини оширишга, партия ички муносабатларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Ҳисобот-сайлов кампанияси ҳам яқинлашиб қолди. Шу муносабат билан, назаримда, йиғилишларимиз ва конференцияларимизнинг характери тўғрисидаги масалани яна кўтариш ўринлидир.

Йиғилишларда ижодий изланиш, ишчанлик, принципиаллик, ўз ишига баҳо беришга ўз-ўзини танқид нуқтаи назаридан ёндашиш муҳити ҳукмронлик қилиши лозим. Бунинг учун эса коммунистлар формализмга қарши қатъий кураш олиб боришлари керак.

Биз, масалан, ҳисобот докладларини, қарорлар лойиҳаларини муҳокама қилишни музокаралар деб аташга одатланиб қолганмиз. Ахир, айтиладиган гапнинг мазмуни ва оҳанги ҳамма вақт ҳам ана шу сўзнинг асл маъносига мувофиқ келаверадими? Докладларда кўпинча, мутлақ шубҳасиз, энг оддий ҳақиқатларгина рақамларга аралаштирилиб, ҳеч қандай эҳтироссиз баён қилинади, яна бунинг устига, тўғрисини айтсак, юқоридаги раҳбарлар шаънига талайгина ҳамду-саналар ўқилади. Шундай бўлгач, коммунистлар эса бунга танқид ва ўз-ўзини танқид билан эмас, проблемани омилкорлик билан муҳокама қилиш билан эмас, балки мажбуллашлар ва ўз ишлари ҳақидаги ҳисоботлар бериш билан жавоб қилсалар, бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Аммо муҳокама ва танқид эркинлиги — партия турмушининг бу ўзгармас нормаларидан бири — конкрет масала юзасидан турлитуман қарашларни бир-бирига таққослашни назарда тутади. Худди ана шундай ёндашиш актуал проблемаларни жонли тарзда, самарали муҳокама қилишга ёрдам беради.

Қадим замонларда: агар турлича фикрлар айтилмаган бўлса, энг яхшисини қаердан танлаб оласан, дейишарди. Зоҳирий эмас, балки чинакам якдилликка, одатда, масала чуқур ўйлаб кўрилган ва коллектив томонидан ҳар тарафлама мушоҳада этилгандан кейингина эришилади. Хуллас, биз ўртоқларча дискуссиялар, баҳслашувлар тарафдоримиз, лекин, албатта, ишчанлик ва ақл билан қилинадиган баҳслар, пировардида амалий таклифларни келтириб чиқарадиган баҳслар тарафдоримиз.

Формализм яшовчан ва хилма-хилдир. Унинг кўринишларидан бири — қоғозбозликдир. Айрим муассасалар ўз ишларига тегишли участкадаги ишларнинг ҳақиқий аҳволига қараб эмас, балки чиқарилган резолюциялар, қарорлар ва хилма-хил инструкцияларнинг сонига қараб баҳо берадилар, деган таассурот туғилади. Кўпсонли ва кўп кишилик комиссиялар, кенгашлар орқали раҳбарлик қилиш методлари ҳам ҳамма ерда бартараф этилмаганки, булар вақтни ўғирлайди, холос. Шу ўринда В. Маяковскийнинг «Мажлисбозлар» шеъридан таъсирланиб Ленин айтган мана бу фикрни эсга олмасликнинг иложи йўқ: **«Эски Обломов сақланиб қолибди ва ундан бир иш чиқиши учун уни узоқ вақт ювиш, тозалаш, титиш ва қоқиш керак,** деб айтиш учун бизнинг қандай мажлисбозлик қилаётганимизга, комиссияларда қандай ишлаётганимизга бир назар солмоқ кифоя». (Тўла асарлар тўплами, 45-том, 16-бет).

Сиёсат кишилар орқали ўтказилади. Ленининг бу қоидаси партиянинг кадрлар билан ишлаши учун принципиал аҳамиятга эга. Меҳнат коллективлари, мамлакат халқ хўжалик комплексининг барча бўғинлари қанчалик аниқ, батартиб ва қизғин ишлаши кадрларга ва энг аввало, партия кадрларига боғлиқдир. Партия кадрлар сиёсатини совет жамияти барча соҳаларини ривожлантиришга фаол таъсир кўрсатишнинг самарали воситаси, унинг тараққий этишининг муҳим омили деб ҳисоблайди.

Бироқ ҳаёт бир жойда туравермайди, янги-янги талаблар қўяди. Жамиятнинг барча соҳаларида чуқур сифат ўзгаришлари зарурати етилган ҳозирги пайтда кадрлар проблемаси алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шу боисдан Марказий Комитет масалани кадрлар билан ишлашни яхшилаш маъносида эмас, балки **ҳозирги босқичда кадрлар сиёсати тўғрисида** деган мазмунда қўймоқда. Бунинг маъноси шуки, кадрларни танлаш, ўқитиш ва пастдан юқорига кўтариш бутун системасида ҳозирги шароитларга мос бўлган ўзгаришлар қилиш, уларнинг фаолиятини контрол қилиб туриш даркор.

Гап, албатта, қандайдир фавқулодда кампания ўтказиш, кадрларни «яхшилаб саралаш» ҳақида бораётгани йўқ. Истиқболга мўлжалланган, вазмнлик билан ва пухта ўйлаб олиб бориладиган иш зарур. Ваҳолонки, кадрлар сиёсатида анчамунча, тўғрисини айтганда, чигал масалалар борки, бу масалалар қуруқ гапни эмас, балки кечиктирмасдан амалий ҳал этишни талаб қилади. Лавозим мавқеини ҳар хил суиистеъмол қилишларга, ошна-оғайнигарчилик ва юртдошлик кўринишларига қарши янада қатъийроқ кураш олиб бормоқ керак. Бу борада Марказий Комитет ҳеч қандай кўнгилчанликка йўл қўймайди. Зеро, бу сиёсий масала — партиянинг обрў-эътибори ҳақидаги, оммаиинг ишончи ҳақидаги масаладир.

Муҳими, албатта, кўриладиган чораларнинг қаттиқлигида эмас, лекин Марказий Комитет — бу эса ҳаммага яхши маълум — талаб қилинадиган бўлса, қаттиқ чоралар кўришдан қайтмайди. Муҳими — шундай муҳитни яратишдаки, бундай муҳитда партия ахлоқи нормаларидан андаккина бўлсада четга чиқиш, социалистик қонунчиликни озгина бўлсада бузиш дарҳол партия оммасининг ҳам, юқори органларнинг ҳам тегишли баҳосини олсин. Бунинг учун эса биз принципиал танқидни янада кенг кўламда ривожлантиришимиз, уни бўғиш, айниқса, танқид учун таъқиб қилиш йўлидаги ҳар қандай уринишларга қатъиян чек қўйишимиз лозим. Кимда-ким ортиқча манманликка берилиб кетган бўлса ва эътирозларга қулоқ солишга одатланмаган бўлса, уларга Ленининг мана бу фикрини эслатиб қўйиш ўринлидир: «...Бошқача фикрловчиларни ёки ишга бошқача қаровчиларни «фисқ фасод қилмоқдалар» ёки «қарши иш кўрмоқдалар» деб ҳисоблаш керак эмас, балки мустақил иш кўрувчи кишиларни қадрлаш керак». (Тўла асарлар тўплами, 54-том, 81-бет). Хушомадгўйликка қараб эмас, хизматларга қараб қадрламоқ керак.

Кадрлар билан ишлашда демократик асосларни бутун чоралар билан ривожлантириш, лавозимларга одам қўйишда сайлаш, конкурслар ўтказиш, меҳнаткашлар олдида мунтазам равишда ошкора ҳисоботлар бериб туриш практикасини кенгайтириш лозим. Бошланғич партия ташкилоти ўз ҳисобида турадиган у ёки бу раҳбарнинг — мастердан тортиб министргача — қачон юксак мукофотлар олишинигина эмас, балки қачон партия жазоси берилишини ҳам билиши керак. Янги кучлар муттасил келиб туриши, кекса авлодларнинг синалган кадрлари билан ёш, истиқболли ходимлардан баравараврига фойдалана билиш ҳам лозим.

Хўжалик кадрлари ҳақида алоҳида гапирмоқчимиз. Ҳозирги кунда улардан, бошқа ҳамма раҳбарлардан ҳам талаб қилинганидек, юксак партиявийлик ва ғоявийлик, ишбилармонлик ва масъулият, кишилар билан ишлай билиш талаб этилади. Лекин бу ҳам кифоя эмас. Иқтисодий жиҳатдан билимдонлик билан, замонавий тарзда фикр юрита билиш, эътиборни самарадорликка, ўсишнинг интенсив омилларига қарата олиш лозим. Фикрлашнинг юзага келган андазаларидан қатъиян холи бўлиб олмоқ керакки, бундай андазалар шароитида сон, ялпи миқдор нуқтаи назаридан ёндашиш очиқдан-очиқ сифат нуқтаи назаридан ёндашишдан устун бўлиб қолган эди.

Хавфли бир адашишдан огоҳлантиришни истар эдим. Баъзи бир партия комитетлари у ёки бу иш участкасидаги ишларнинг аҳволи ҳал қилувчи даражада раҳбарларга боғлиқ деган, умуман, тўғри қоидага таянниб, зўр бериб бир раҳбарни бошқаси билан, айтайлик, колхоз раисларини ёки завод директорларини бошқаси билан алмаштиришга киришиб кетадилар ва бунда уларга амалий, конкрет ёрдам кўрсатиш билан ўзларини қийнаб ўтирмайдилар. Бундай практика, албатта, ҳеч қандай яхши натижа бермайди.

Ўз авангардлик мавқеи билан қандайдир манманлик қилиш ЛКССга принципиал ётдир. Аксинча, у барча меҳнаткашларни уларнинг онглилигига, ижтимоий тараққиёт қонунларини ва ҳозирги сиёсатни тушунишларига, уларнинг социал активликларига яраша авангард даражасига кўтариш учун ҳамма ишларни қилмоқда. Бунда эса идеология иши, оммага социалистик онгни сингдириш жуда катта роль ўйнайди. Бу — ўз моҳиятига кўра чуқур демократик ва инсонпарвар вазифадир.

Меҳнаткашлар ишчилар синфи идеологияси ва ахлоқини пухта ўзлаштирмасалар, КПСС сиёсатини чуқур тушунмасалар, жамиятнинг мустаҳкам ғоявий-сиёсий ва социал бирлигини, халқнинг партия теварагидаги жипслигини таъминлаш мумкин эмас. Ижтимоий тараққиёт истиқболини, кишиларнинг туб манфаатларини ифодаловчи юксак ғоя негизидагина партияда ҳам, жамиятда ҳам чинакам уюшқоқлик ва онгли интизом бўлишига эришиш мумкин.

Ғоявий-тарбиявий ишнинг вазифалари, албатта, илмий идеологияни кенг ёйишдан, уни оммавий тарзда чуқур ўрганишни ташкил этишдангина иборат эмас. Бу иш — сиёсатимизнинг актуал масалалари юзасидан оммани оператив тарзда, мунтазам равишда, ҳар томонлама ва ишонарли тарзда хабардор қилиб туришнинг таъсирчан воситасидир. Айтиш мумкинки, бу — мураккаб, нотинч, муттасил ўзгариб турувчи дунёга очилган кенг деразадир.

Биз омма билан «муқобил алоқа» воситаси сифатида пропаганданинг жуда катта ролини ҳам эътиборга оламиз. Кишиларнинг матбуот саҳифаларида ўз фикрларини кенг кўламда, эркин ифода этишлари, қабул қилинаётган қарорларнинг кенг муҳокама қилиниши ва пастдан туриб қилинадиган танқид, меҳнаткашларнинг хатлари — ана шуларнинг ҳаммаси сиёсатда волюнтаризм ва субъективизмдан пухта сақлайдиган ўзига хос бир механизм бўлиб, оптимал қарорларни танлаб олиш, уларга ўз вақтида ҳаётий тузатишларни киритиш имконини беради.

Идеологик ва ташкилотчилик ишининг бирлиги ленинча принципига изчил риоя қилиш зарурлигини алоҳида қайд қилмоқчиман. Ғоявий-назарий фронтда олға томон борилар экан, сиёсий пропагандадаги куч-ғайратни ошира бормоқ, ана шу пропагандани оммани иқтисодий ва социал-сиёсий ривожлантириш вазифаларини ҳал этишга сафарбар қилишга қаратмоқ, идеологик фаолиятни ташкилотчилик ва хўжалик иши билан мустаҳкамламоқ лозим.

КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленумидан кейин идеология ишида ижобий ўзгаришлар бўлганлигини қайд қилмоқ учун бизда ҳамма асослар бор. Аммо, бу фақат дастлабки қадамлардир. Пропагандамизнинг мазмуни, оперативлиги, форма ва методлари, унинг моддий-техника базаси совет кишиларининг ўсиб кетган талабларига, ривожланган социализмни такомиллаштириш, буржуа идеологиясига қарши ҳужумкор кураш олиб бориш вазифаларига жавоб бериши учун, пропагандистлик практикасидан дабдабали иборалларга берилиб кетишни, меъдага теккан андазаларни, меҳнаткашларни тўлқинлантириб турган кескин масалаларни четлаб ўтишга уринишларни таг-томири билан қўпориб ташлаш учун ҳали кўп ишлар қилиш лозим бўлади.

КПСС Марказий Комитети бу иш участкасини доимо диққат-эътиборда тутади ва барча партия комитетларининг, ҳар бир партия аъзосининг унга алоҳида аҳамият беришини талаб қилади. Шуни унутмаслик керакки, бу соҳадаги ҳар қандай нуқсондан синфий душман социализмга ёт бўлган қарашлар ва бойликларни бизнинг муҳитимизга тиқиштириш учун фойдаланишга уринаверади. Биз бундан буён ҳам Советлар мамлакати гражданларини, ёшларимизни совет ватанпарварлиги ва пролетар, социалистик интернационализм руҳида, Ватанга, Октябрь идеалларига садоқат руҳида тарбиялайверишимиз лозим. Ҳозир бу ишда совет халқининг Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабасининг яқинлашиб келаётган 40 йиллигидан фойдаланиш айниқса муҳимдир.

Партиянинг кучи ва обрў-эътибори — ҳар бир коммунистнинг обрў-эътиборидир, унинг шахсий намунаси кучидир. Кишилар кўпинча коммунистнинг ишларига ва хулқ-атворига қараб партия ҳақида, унинг сиёсати ва идеологияси ҳақида фикр юритадилар. Шунинг учун ҳам партия аъзоси деган номни ва унинг обрўсини эъзозлаш ҳамда юқори кўтариш муҳимдир. Партия сафларида халқнинг — ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлиларнинг чинакам энг яхши вакиллари бўлишига эришиш муҳимдир.

Коммунистлар шунинг учун ҳам халқнинг энг яхши вакилларидирки, улар энг қийин ишларни ўз зиммаларига оладилар, энг мураккаб социал ва сиёсий вазифаларни дадил, ишнинг кўзини билиб қўядилар ва ҳал этадилар, ўз зиммаларига юкланган тарихий масъулиятдан қўрқмайдилар, балки ўз партиявий, гражданлик бурчларини батамом англаган ҳолда бу масъулиятни доимо сезиб турадилар. Яна шунинг учун ҳам халқнинг энг яхши вакилларидирки, улар партияга шонш-шуҳрат ва имтиёзларга эга бўлиш учун эмас, балки социализмнинг юксак идеалларига, меҳнат аҳлининг манфаатларига хизмат қилиш учун кирадилар.

Ана шуларнинг ҳаммаси коммунистларни, Маркс ва Энгельс сўзлари билан айтганда, «энг матонатли, олға томон ҳаракатга доимо илҳомлантирувчи» (Соч., т.4, с. 137) кучга айлантиради. Ҳозир, КПСС ўзининг XXVII съездига яқинлашиб бораётган, ўз партиявий ишларини талабчанлик билан текшириб чиқаётган бир пайтда, бизнинг революцион таълимотимиз асосчиларининг ана шу сўзларини эслатиб ўтиш, айниқса ўринли туюлади.

«Коммунист», журнали
1984, № 18.

БИНОКОРЛАРНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

14 январь куни СССР Қурилиш министрлиги коллегиясининг кенгайтирилган мажлиси бўлди. Мажлисда министрликнинг 1984 йилги иш якунлари кўриб чиқилди, партия Марказий Комитетининг талаблари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. У. Черненконинг йўл-йўриқлари ва тавсиялари асосида 1985 йилги планни бажариш ва капитал қурилишни янада яхшилаш соҳасидаги вазифалар муҳокама қилинди.

СССР қурилиш министри Г. А. Караваев доклад қилди.

Мажлисда министрлик ва унинг территориал бўлинмалари фаолияти чуқур таҳлил қилинди. Эришилган натижаларга қарамай, министрлик ўз имкониятлари даражасида ишламаяпти ва қурилишни ташкил этиш ҳамда бошқариш соҳасида жиддий камчиликларга йўл қўймоқда. Мавжуд катта резервлардан сust фойдаланилмоқда.

1985 йилги планнинг бажарилишини таъминлаш ва ишдаги камчиликларни тезда бартараф этишнинг конкрет йўллари белгиланди.

Фойдаланишга топширилади ва жуда муҳим қурилишларга куч-ғайратни жамлаш, шу қурилишларда йилнинг дастлабки кунлариданоқ астойдил ишлашни ташкил қилиш, планлаштирилган барча ишлаб чиқариш қувватлари, уй-жойлар ва социал-маиший объектларни сўзсиз ишга тушириш зарурлигига эътибор жалб этилди.

Қурилиш ишлаб чиқаришини ва қурилишни бошқаришни ташкил этишни яхшилаш, илғор тажрибани жорий этиш ва тармоқнинг техникавий даражасини ошириш, меҳнат интизоми ва тартибни мустаҳкамлаш, ҳамма жойда тежамкорлик режимини кучайтириш, кадрларнинг муқим жойлашиб қолишига эришиш, барқарор меҳнат коллективларини ва юксак унумли иш шароитларини вужудга келтириш соҳасидаги ишларни кучайтириш муҳим эканлиги таъкидланди.

Мажлисда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. И. Долгих нутқ сўзлади.

(ТАСС).

ЖАНГОВАР ЙИЛНОМА САҲИФАЛАРИ

14 январь куни пойтахтдаги Моссовет номли кинотеатрда «Ёшлик заставаси» ҳужжатли фильмининг премьераси бўлди. «Казахфильм» студиясида яратилган янги картина Ватанимизнинг жанубий-шарқий чегаралари посбонлигида турган Қизил Байроқ орденли чегарачилар отрядининг шонли йўли тўғрисида ҳикоя қилади.

Кўпдан кўп ҳужжатлар, фотосуратлар, кинокадрлар томошабинларни отряднинг 60 йиллик тарихи билан таништиради. Бу отряд Қизил Байроқ орденли Шарқий чегара округи қўшинлари социалистик мусобақасининг пешқадамидир. Ватаннинг минг-

ҚИШЛОВ—СИНОВ

ҚОЛОҚЛИК ДОҒИ ҚАЧОН ЮВИЛАДИ?

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненко партия Марказий Комитетининг 1984 йил октябрь Пленумида сўзлаган нутқида: «Ҳозир чорва қишловни муваффақиятли ўтказилишини таъминлаш, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашда асло пасаймшга йўл қўймаслик учун ҳамма имкониятлардан фойдаланиш жуда муҳимдир» деб таъкидлади. Хўш, ана шу жанговар йўл-йўриқ Бухоро областида ўз ифодасини қандай топяпти! Ушбу рейд материалида шулар ҳақида ҳикоя қилинади.

СИР эмас, кейинги йилларда Бухоро областида қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари қатори чорвачилик ҳам оқсаб келмоқда. Давлатга гўшт, сут, тухум сотиш планлари сурункасига бажарилмай қоляпти. Чорва моллларнинг бош сонини кўпайтириш, маҳсулдорлигини ошириш, мустаҳкам озуқа базасини яратиш соҳасидаги ишнинг аҳволи ҳозирги талабларга жавоб бермайди, Хўш, нега шундай бўляпти? Қолоқлик илдизи қаерда? Область партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органларининг раҳбарлари қолоқликка барҳам бериш учун нималар қилишяпти?

Аввало шуни айтиш керакки, қишлов чорвачиликнинг тақдирини ҳал қилувчи энг масъулиятли синов. Республикамизнинг ҳамма ерида бўлганидек, бу йил Бухоро областида ҳам қиш ҳар қачонгидан қаттиқ келди. Сурункали қор ёғиб, каттиқ совуқ бўлиб, чорвадорларни шошириб қўйди. Чорва қишлови учун оғир ва мураккаб вазият вужудга келди. Қаҳратон қиш юзага келтирган қийинчилик ва муаммоларни бартараф этиш, айниқса, чорва моллари қишдан талофотсиз олиб чиқиш мақсадида областда сафарбарлик эълон қилинди.

Қаерда чорвачиликка зарбдор фронт деб қараб, қишловни намунали ўтказиш юзасидан зарур чоралар кўрилаётган бўлса, ўша ерда яхши натижага эришилмоқда. Аксинча, резерв ва имкониятларни қидириб топиб, улардан фойдаланиш ўрнига, турли хил баҳоналар гирдобида ўралиб қолинаётган, ўзибўларчилик, эътиборсизликка йўл қўйилаётган, кадрларга нисбатан талабчанлик бўшаштирилган, камчиликларга муросасозлик билан қаралаётган жойларда эса бунинг акси бўлмоқда. Биз Бухоро областида чорва қишловининг аҳволи билан танишганимизда ана шундай икки хил манзаранинг гувоҳи бўлдик.

Қиш фасли — иш фасли, дейди доно халқимиз. Областда ана шу нақлга амал қилиб, чорва қишловини муваффақиятли ўтказаётган, қиш даврида ҳам моллардан мўл-кўл маҳсулот олиб, гўшт, сут, тухум етиштириш планларини бажаришга эришаётган хўжаликлар, фермалар, илғор чорвадорлар йўқ эмас. Вобкент районидаги Калинин номли колхоз, Ромитан районидаги «Партия XXVI съезди», Пешку районидаги «СССР 60 йиллиги», Қоровулбозор массивидаги 2-қўриқ совхозлар шулар жумласига киради.

Бироқ афсуски, бундай хўжаликлар бармоқ билан санарли даражада. Аксарият районлар, хўжаликларда чорва молларнинг бош сони пландагидан анча камайиб, маҳсулдорлиги пасайиб кетган. Ўтган йили Ғиждувон районидаги «Кўйкча», Шофиркон районидаги «Ғалаба», Бухоро районидаги «Қоровулбозор», Олот районидаги «Олот» каби совхозларда қишлов ёмон ташкил этилганидан кўплаб қорақўл қўйлар нобуд бўлган эди. Лекин уларнинг раҳбарлари ва мутахассислари бундан тегишли хулоса чиқариб олишмади, бу йилги қишловга яхшироқ тайёргарлик кўриш ҳақида ўйлашмади. Қўйларни қишлов олдидан боқиб семиртириш ҳақида қайғуришмади. Етарли миқдорда ем-хашак жамғарилмади. Оқибатда бу хўжаликларда бу йил ҳам қишлов кўнгилдагидек ўтмаяпти. Ўтган йилги аҳвол яна такрорланяпти. Мавжуд қўй-эчкиларнинг 40 процентдан кўпроғи ўртача семизликдан паст даражада. Бунинг устига, ана шу ориқ қўйлар алоҳида группаларга ажратилиб, қишимча рацион асосида боқилмаётир. Кўпгина отарларда иссиқ қўралар етишмайди. Қўзилаш арафасида турган совлиқларга эътибор берилмаяпти. Чорва моллларга дағал хашакни майдалаб ва ивитиб бериш, илиқ сув билан суғориш ташкил этилмаган. Натижада уларнинг маҳсулдорлиги камайиб, касалликка бардош бериш қобилияти сусаймоқда, нобуд бўлиш ҳоллари юз беряпти.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МИНИСТРЛИГИ, «СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ГАЗЕТАСИ ВА РЕСПУБЛИКА ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ҚЎШМА РЕЙДИ

Область хўжаликларида сигирлар сони жуда секинлик билан кўпаймоқда. Сигирлардан бузоқ олиш, уларни ўстириш ва наслини яхшилаш соҳасидаги ишнинг аҳволи талабга жавоб бермайди. Сут-товар фермаларида сут соғиш ҳамда бошқа жараёнларни механизациялаш даражаси паст. Чорвачиликни механизациялаштиришга ихтисослашган Чорбакир кўчма механизациялашган колоннаси фермаларга ўрнатаётган механизм ва аппаратлар тўла, ишламаяпти.

Шу ва шунга ўхшаш қусурлар сабабли областда ўтган йили маҳсулот етиштириш юзасидан белгиланган топшириқлар бажарилмай қолган. Давлатга сут сотиш йиллик плани 76,9 процент, гўшт — 84,4 процент, тухум — 81,8 процент бажарилган, холос. Гарчи областда умуман қорамоллар сонини ўстириш плани ошириб бажарилган бўлса-да, лекин сигирлар сонини кўпайтириш плани бажарилмай, 96,4 процентда, товуқлар — 90 процентда қолган.

Қорамол, қўй ва чўчқаларни асраш ҳамда боқишда зооветеринария қоидаларига тўла амал қилинмаяпти. Молларни меъёрига етказиб семиртирмасдан ички хўжалик эҳтиёжлари учун сўйиб юбориш ҳоллари учраб турибди.

Бир қатор хўжаликларда озуқа пала-партиш сарфланмоқда. Шуни унутмаслик керакки, озуқа нечоғли кўп бўлмасин, ундан оқилона фойдаланилмаса, тежамкорликка риоя қилинмаса натижа кутилганидек бўлмайди. Вазифа — ҳамма жойда озуқа цехларини тўла қувват билан тўхтовсиз ишлатишдан, ем-хашакни қайта ишлаб, тўйимлилик даражасини оширишдан иборат. Озуқа таркибида тўйимли моддалар етарли миқдорда бўлмоғи даркор. Қишда моллларни тўқ, иссиқ ва тоза сақлашнинг аҳамияти катта.

Областда ўтган йили дағал хашак тайёрлаш юзасидан белгиланган план 74 процент, шу жумладан беда пичани тайёрлаш топшириғи бор-йўғи 24 процент, силос бостириш — 89 процент, сенаж — 33,5 процент, витаминли ўт талқони тайёрлаш плани 80 процент, илдиз мевали озуқа —атиги 17,8 процент адо этилган. Шунинг учун ҳам мавжуд ем-хашакдан тежаб-тергаб фойдаланиш, уни чорва моллларнинг тури ва маҳсулдорлигига қараб тўғри сарфлаш, қўйлар, қорамоллар, йилқиларни яйловда боқишга алоҳида эътибор бериш зарур.

Биз Вобкент районида икки хил манзарага дуч келдик. Калинин номли колхоз чорвадорлари ўтган йили давлатга 113 тонна гўшт, 626 тонна сут сотиш юзасидан белгиланган планни бажариб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланганлар. Ҳар сигирдан ўртача 2930 килограмм сут соғиб олинган. Пешқадам соғувчилар эса бу кўрсаткични 3000—3500 килограммга етказишган.

— Бунинг асосий сабаби, — деди бизга сут соғувчи З. Худоёрова, — мустаҳкам озуқа базаси яратилганлигидадир. 1900 тонна табиий ўтлар пичани, 980 тонна беда пичани, 2500 тонна силос, 100 тонна витаминли ўт талқони тайёрланди. Натижада сигирларни яхши боқиб, сутини кўпайтиришга эришмоқдамиз.

Қўшни «Москва» колхозида (раиси Б. Обидов, партия комитетининг секретари Е. Саноев, ферма мудири И. Ҳазратов, бош зоотехник Т. Илёсов) эса чорва қишловига тайёргарлик кўришга етарлича эътибор берилмаганлигининг гувоҳи бўлдик. Бу ерда чорвадорлар ҳақида ғамхўрлик қилиш унутиб қўйилган. Қишлов учун жамғарилган озуқадан хўжасизларча фойдаланилмоқда. Озуқа тўкилиб-сочилиб ётибди. Молларга майдаланмасдан, бўғланмасдан берилаётганлиги сабабли унинг анчагина қисми нишхўрда чиқиб, нобуд бўляпти.

Бузоқлар тегишли рацион асосида боқилмаётганидан ниҳоятда ориқ. Сигирлардан белгиланганидан анча кам бузоқ олинган. Сигирларнинг 25—30 проценти қисир қолган. Ферма бинолари ва ҳовлисининг санитария-гигиена ҳолати талабга мутлақо жавоб бермайди.

Сут лабораторияси, сунъий қочириш пункти зарур асбоб-ускуналар билан тўла жиҳозланмаган. Ҳисоб-китоб ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Соғувчилар, молбоқарлар ўртасида меҳнат интизоми бўшашиб кетган. Мусобақа натижаси вақтида якунланмайди. 1984 йилда ҳар бир сигирдан атиги 1034 килограммдан сут соғиб олинган. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир сигирдан кунига соғиб олинган сут зўрға 3 килограммданга тўғри келган.

Колхоз давлатга гўшт сотиш йиллик планини 60 процент, сутни—44 процент, тухумни — 48 процент, жунни атиги 13 процент бажарган, холос. Бу ҳол унинг экономикасига салбий таъсир кўрсатган. Чорвачиликдан анча зарар кўрилган.

Бу нуқсонлар район чорвачилигининг тараққиётига ғов бўлган. Ўтган йили районда гарчи чорва моллар бош сонини кўпайтириш плани бажарилган бўлса-да, давлатга гўшт, сут, тухум сотиш планлари барбод бўлган.

Хулоса қилиб айтганда, Бухоро области чорвачилигидаги қолоқлик доғини батамом ювиб ташлаш вақти келди. Бунинг учун мавжуд резерв ва имкониятларни тўла ишга солиб, барча чорвадорларнинг куч-ғайрати, билими ва тажрибасини аниқ мақсадга йўналтирмоқ даркор. Партия ташкилотлари чорвадорлар ўртасида ташкилотчилик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада кучайтирмоқлари, уларнинг активлигини оширмоқлари, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш чораларини кўрмоқлари талаб этилади.

Р. ҲАИТОВ,
Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг чорвачилик бўйича бош мутахассиси.

Ҳ. ҚОДИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

М. МИРҲУЖАЕВ,
республика телевидениесининг махсус мухбири.

Қўшма рейд ҳақидаги кўрсатувни Ўзбекистон телевидениесининг 1-программаси орқали бугун соат 22 дан 5 минут ўтганда томоша қилишингиз мумкин.

спорт

ПОЛВОНЛАР АНЪАНАСИ

Янгибозор районидаги Ҳамза номли колхозда кураш спортнинг энг оммабоп тури бўлиб қолди. Ёшлар маҳорат «сирлари»ни ота ва боболаридан бажонидил ўрганиб олмоқдалар. Бу ерда етмиш баҳорни кўрган машҳур полвон Сапарбой Оллоберганов мактабини ёшларнинг бир неча авлоди ўтди. Кўп йиллар давомида унга тенг келадиган полвон бўлмади. Энди набираси — Назар унинг ўрнини босди, ҳозир у Совет Армияси сафида хизмат қилмоқда.

Собир Кенжаев курашнинг миллий тури билан болалигидан қизиқиб шуғулланмоқда. Шу боисдан уни ҳеч ким 60 ёшга кирган, демайди. Ҳозир пахтачилик бригадасининг бошлиғини кураш гилами устида кўриш мумкин. Унинг ўғли — бош агроном Соли Собиров кураш бўйича Ўзбекистон чемпиони номига сазовор бўлди.

— Бизда бironта байрам спортчиларнинг мусобақаларисиз ўтмайди, — дейди колхоз партия ташкилотининг секретари, самбо бўйича спорт мастерлигига номзод, самбо секциясига бошчилик қилувчи Раннбой Шержонов. — Ўз юртдошларининг кўз олдида ғолиб чиқиш район ёки область мусобақаларида беллашувдан енгил эмас. Бундай турнирларда полвонлар кўпгина сулолаларн намояндаларининг маҳоратини кузатиш мумкин. Спортчиларни тайёрлашда олий спорт маҳорати область мактабининг хизмати ҳам каттадир. Бу мактаб колхозда ўз бўлимини очди.

Колхоз правленнеси спорт билан шуғулланиш базасини мустаҳкамлаш тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилди. Хўжалик территориясида 650 квадрат метр майдони бўлган ихтисослашган кураш зали қурилиши ниҳоясига етиб қолди, — деб ёзади ЎзТАГ мухбири Ю. Иброҳимов, — у билан ёнма-ён ўйин майдончалари жойлашади.

ОБ-ҲАВО

Ўзбекистонда бугун ҳаво ўзгариб туради. Айрим ерларга қор ёғади, жанубда бир оз туман тушиб, ёғингарчилик бўлади. Шимоли-шарқдан секундига 3—8 метр тезликда шамол эсади. Республика шимолида кечаси 10—15 даража, кундузи 6—11 даража совуқ бўлади. Жанубда кечаси 2 даража совуқ билан 3 даражагача иссиқ атрофида, кундузи 1—6 даража иссиқ бўлади. Қолган территорияларда кечаси 0—5 даража, айрим ерларда 8 даражагача совуқ, кундузи 2 даража совуқ билан 3 даража атрофида иссиқ бўлади.

Тошкентда ҳаво ўзгариб туради. Кечаси ёғингарчилик бўлмайди, кундузи бир оз қор ёғади. Кечаси ва эрталаб туман тушади. Кечаси 2—4 даража совуқ, кундузи ҳарорат 0 даража атрофида бўлади.

РЕКЛАМА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕҲНАТ БЎЙИЧА ДАВЛАТ КОМИТЕТИ

ГОСКОМТРУД

РСФСРнинг Приморье ўлкаси, Томск ва Иваново областлари колхоз ва совхозларига доимий яшаш учун оилаларни кўчиришни уюштиради.

КЎЧИШ ИСТАГИНИ БИЛДИРГАН ГРАЖДАНЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ҚУЙИДАГИ МУДДАТЛАРГАЧА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ:

— ТОМСК ОБЛАСТИГА — 1985 йил 25 февралгача;

— ПРИМОРЬЕ ЎЛКАСИГА — 1985 йил 20 мартгача;

— ИВАНОВО ОБЛАСТИГА — 1985 йил 6 апрелгача.

Кўчиш учун расмийлаштирилган оилаларга мўлжалланган жойга бепул бориш ва юкларини ташиш таъминланади, бир йўла бериладиган нафақа тўланади, уй-жой ёки квартиралар, ёрдамчи хоналарга эга ҳовли участкалари берилади.

Янги кўчиб борганлар икки йил давомида квартира учун ва саккиз йил давомида қишлоқ хўжалик солиқларини тўлашдан озод қилинадилар.

РАСМИЙЛАШТИРИШ ХУСУСИДАГИ БАРЧА МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА МАЪЛУМОТЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

ШАҲАРЛАРДА — область ижроия комитетлари меҳнат бўлимлари ва аҳолини ишга жойлаштириш бюроларига, Нукус шаҳрида — Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети Меҳнат бошқармасига;

РАЙОНЛАРДА — Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети Меҳнат бошқармаси ва область ижроия комитетлари меҳнат бўлимлари вакилларига;

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 6-уй ва Привокзальная кўчаси, 30-уй ҳамда аҳолини ишга жойлаштириш район пунктларига.

30-ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1985—1986 ўқув йили учун ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

УЗОҚ МАНЗИЛЛАРГА ҚАТНАЙДИГАН ПАССАЖИР ПОЕЗДЛАРИ ВАГОНЛАРИНИНГ ПРОВОДНИГИ. Ўқиш муддати 10 ой. Ҳар ойда 30 сўмдан стипендия берилади. 17,5 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади;

РЕФРИЖЕРАТОРЛИ ПОЕЗДЛАРНИНГ МЕХАНИГИ ВА ТЕПЛОВОЗ МАШИНИСТИ. Ўқиш муддати 1,5 йил. Ҳар ойда 30 сўмдан стипендия берилади. Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтганларга 72 сўмдан стипендия берилади. 17 ва ундан катта ёшдаги ўрта маълумотли йигитлар қабул қилинади;

ТЕПЛОВОЗ МАШИНИСТИ ЁРДАМЧИСИ. Ўқиш муддати 10 ой, ҳар ойда 30 сўмдан стипендия берилади. Ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 50 проценти тўланади. 17,5 ва ундан катта ёшдагилар қабул қилинади.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Билим юртини тугатганларга диплом берилади. Билим юртини имтиёзли диплом билан битирганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига имтиёзли равишда қабул қилинадилар.

Билим юртини битирганлар темир йўл транспорти ходимлари учун белгиланган ҳамма имтиёзлардан фойдаланадилар, жумладан Совет Иттифоқининг хоҳлаган ерига бориш учун бепул темир йўл билети берилади.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: директор номига ёзилган ариза, таржимаи ҳоли, характеристика, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ёки паспорт), ҳарбий билет, турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмдаги 8 дона фотосурат.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ленин райони Червяков кўчаси, 12-уй (1, 5, 26-трамвайлар, 106-автобуснинг «Фоменко кўчаси» бекати). Телефон 91-14-07.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЁТИ ҚУЙИДАГИ МОНОГРАФИЯ ВА ИЛМИЙ-ОММАБОП КИТОБЛАРНИ НАШРДАН ЧИҚАРДИ:

Э. Ю. ЮСУПОВ, Р. Х. АМИНОВА, Б. В. ЛУНИН, В. Л. ОРОНЮК, Буюк дўстлик самаралари. 192 бет. Баҳоси 2 сўм 20 тийин (рус тилида).

Рус ва ўзбек халқларининг социалистик қурилиш йилларидаги (1917—1941 йиллар) дўстлиги тарихи, рус ишчилари, зиёлилари, партия, совет ва жамоат арбобларининг Ўзбекистонга берган катта бегараз ёрдамлари монографияда баён этилади.

Л. У. ЮСУПОВ. Генерал Собир Раҳимов. 156 бет. Баҳоси 45 тийин (рус тилида).

Бу биографик очеркда Совет Иттифоқи Қаҳрамони, генерал-майор С. Раҳимовнинг ҳаёти ва жанговар йўли тўғрисида ҳикоя қилинади.

О. МИРЗАЕВ. Ривожланган социализм шароитида тежамкорлик режими. 48 бет. Баҳоси 10 тийин (ўзбек тилида).

Бу рисолада кенгайтирилган социалистик такрор ишлаб чиқариш шароитида тежамкорлик режими ҳақида гап боради, халқ хўжалигининг барча бўғинларида моддий ресурслардан фойдаланиш йўллари анализ қилинган.

Р. ЭГАМБЕРДИЕВ, А. РАЗЗОҚОВ. Ўзбекистонда қўриқ ерларни суғориш, ўзлаштириш ва мелиорациялаш тарихи. 288 бет. Баҳоси 3 сўм 10 тийин (ўзбек тилида).

Монографияда Мирзачўл ерларини суғориш, ўзлаштириш ва мелиорациялаш бўйича тўпланган тарихий тажрибалар умумлаштирилади.

Ғ. УМАРОВ, М. УСМОНОВ. Қуёш энергиясидан халқ хўжалигида фойдаланиш. 48 бет. Баҳоси 10 тийин (ўзбек тилида).

Китобча қуёш энергиясидан халқ хўжалигида фойдаланиш масалалари, баъзи гелиоқурилмалар тузилиши ва ишлаш принципи билан таништиради.

С. УМАРОВ. Тарих ва достон. 104 бет. Баҳоси 1 сўм, 10 тийин. (ўзбек тилида).

Монографияда янги достонларнинг юзага келиши ва тараққиётининг муайян тарихий зарурат ва шарт-шароитлар билан боғлиқлиги, анъанавий достонлардан фарқи таҳлил этилади.

Н. ОТАЖОНОВ. Ўзбек классик адабиётини чет тилларга таржима қилиш тарихидан. 80 бет. Баҳоси 70 тийин (рус тилида).

Бу монография эски ўзбек тилидан инглиз тилига қилинган таржима проблемаларини ўрганишга бағишланган дастлабки тадқиқотдир.

И. АБДУЛЛАЕВ. Ўрта Осиё ва Хуросонда X ва XI аср бошларида араб тилида яратилган шеърият. 296 бет, баҳоси 2 сўм 80 тийин (рус тилида).

Монографияда машҳур филолог олим Ас Саолибийнинг (961—1038) «Йатимат уд-даҳр» номли қимматбаҳо тазкираси асосида Ўрта Осиё ва Хуросонда X—XI аср бошларида араб тилида яратилган адабий асарлар тадқиқ этилади.

Чимёнда чанғи спорти бўйича халқаро мусобақалар қизғин ўтмоқда. Бунда жонажон Ватанимиз турли томонларидан ва чет эллардан келган чанғичилар ўз маҳоратларини кўрсатаётирлар. Суратда (чапдан) мусобақа қатнашчиларидан Марек Грабовский (Польша), москвалик Ольга Личкина ва камчаткалик Оксана Стенькиналарни кўриб турибсиз.

В. Портнов фотоси.

Редактор Л. ҚАЮМОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

16 ЯНВАРЬ, ЧОРШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Ойдинда отлар. Бадиий фильм. 10.50 — Саёҳатчилар клуби. 11.50 — Бу ҳақда индамасликка тўғри келарди. Бадиий фильм. 5-серия. 13.15 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Хотирада мангу. 16.05 — Биз Волгада яшаймиз. 17.10 —А. Дворжак. Афсоналар. 17.25 — Эски дунёдан воз кечамиз. 18.10 — Сайловлар олдидан. 18.25 — РСФСР халқ артисти Ю. Казаков чалади. 18.45 — Фан ва турмуш. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Ҳамма нарсани билишни истайман. 19.40 — Дунё ва ёшлар. 20.15 — Бу ҳақда индамасликка тўғри келарди. Бадиий фильм. 6-серия. 21.30 — Время. 22.05 — М. И. Глинка номли вокалистларнинг XI Бутииттифоқ конкурсида. 23.00 — Дунё воқеалари.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Қуёш рассоми Аристарх Лентулов. 12.05 — Онамларнинг мактаби. 14.30 — Унутиш мумкин эмас. 16.30 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Концерт. 19.00 — Ҳамдўстлик. 19.30 — Қишлоқ янгиликлари. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.50 — Баскетбол. Эрканлар. Жальгирис (Каунас) — Паок (Греция). 21.30 — Время. 22.05 — Василий ва Василиса. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Ахборот. 10.20 — Ютуқ. 10.40 — Юввош келинчак. Бадиий фильм. 11.40 — Китоб бизнинг дўстимиз. 12.30 — Ўқув программаси. 13.00 ва 18.00— Янгиликлар. 18.15 — Мультфильмлар. 18.25 — Инсон болаликдан бошланади. 19.00 — Россияда 1905—1907 йилларгаги революциянинг 80 йиллигига. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Бугун оламда нима гап. 20.05 — Ҳақиқат ва бўҳтон. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Музика истиқболи эгалари. 21.30 — Время. 22.05 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 22.30 — Умид юлдузи. Бадиий фильм. 2-серия. 23.50 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 16.35 — МТ-II. 18.20 — Обь денгизи. 18.30 — Ҳаётий воқеа. Бадиий фильм. 20.00 — Тошкент янгиликлари. 20.20 — Советлар мамлакатининг кишилари. 21.00 — Сизни Чимён таклиф этади. 21.30 — МТ-II.

17 ЯНВАРЬ, ПАЙШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Мультфильм. 9.50 — Қушлар мовий самода. 10.20 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 11.20 — Бу ҳақда индамасликка тўғри келарди. Бадиий фильм. 6-серия. 12.35 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Замондошимиз. 16.10 — Халқаро конкурслар лауреати Л. Амбарцумян чалади. 16.40 — Шахмат мактаби. 17.10 — ...16 ёшгача ва ундан катталар. 17.55 — Концерт. 18.20 — Варшава куни. 18.45 — Миллионлар ленинча университети. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Расмларда қуёш акси бор. 19.50 — Она. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Олам кинокамера кўзгусида. 23.05— Дунё воқеалари. 23.20 — Г. Свиридов. Бўрон.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 12.00 — Оила ва мактаб. 12.30 — Илмий-оммабоп фильм. 14.55 — Нотаниш ворис. Бадиий фильм. 16.20 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — Телефильм. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.50 — В. А. Гранаткин хотираси учун футбол бўйича халқаро ўсмирлар турнири. СССР-I — Польша терма командалари. 21.30 — Время. 22.05 — Сизнинг ҳуқуқингизми? Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Ахборотнири. СССР-I — Польша терма 10.30 — Болалар учун фильм. 11.30 — Ўқув программаси. 12.00 — Телефильм. 12.30 — Ўқув программаси. 13.00 ва 18.00—Янгиликлар. 18.15— Иккинчи она тилимизни ўрганамиз. 18.45 Эврика. 19.30 —Ахборот. 19.45 Телефильм. 20.00 — Ягона сиёсий кун. 20.30 —Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Чимён-85. Чанғи спорти бўйича халқаро мусобақалардан репортаж. 22.25 — Тонггача омон бўлсак бўлгани. Бадиий фильм. 23.40 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 16.25 — МТ-II. 18.20 — Қуёш ботиши олдидан. Фильм-спектакль. 1-серия. 20.00 — Тошкент янгиликлари. 20.20 — Реклама. 20.30 — Қишлоқ ҳаёти. 20.50 — Телефильм. 21.00 — Бунёдкорлик уфқлари. 21.30 — МТ-II.

РАДИО

16 ЯНВАРЬ, ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Таниш қўшиқлар. 9.30 — Совет Ўзбекистони: одамлар, ишлар ва режалар. 11.15 — «Инсон ва қонун» радиожурнали. 11.35 — Э. Солиховнинг «Генерал С. Раҳимов» симфонияси. 12.10 — Ўзбекистан индустриальний. 13.00 — Чорвадор. 14.00 — Келгуси йил мўл ҳосили учун мустаҳкам замин яратайлик. 19.25 — Қармоқ. 21.00 — Шеърият кечаси. 21.20 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.30 — Радиотингловчиларнинг талабларига биноан концерт. 23.10 — Тоғ чанғи спорти бўйича халқаро мусобақалар. 23.20 — «Сайқал» радиопрограммаси.

17 ЯНВАРЬ, ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ўзбекистон композиторларининг қўшиқлари. 9.45 — Қармоқ. 12.10 — Ишчинома. 13.00 — Малши. 14.00 — ЎзССР Олий Совети депутатлигига номзодлар ҳақида ҳикоялар. 18.15 — Халқаро кундалик. 19.25 — Юность Узбекистана. 21.00 — Ўзбекистон чет эллик меҳмонлар нигоҳида. 21.10 — Ф. Хожа. Юлдузли ўйлар. 21.30 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.30 — Микрофон олдида халқ талантлари. 23.10 — Тоғ чанғи спорти бўйича халқаро мусобақалар.

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ»
В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
19, 20 январь соат 20.00 да
ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ АРТИСТИ
Камолиддин РАҲИМОВ
иштирокида
КАТТА КОНЦЕРТ
ҚАТНАШАДИЛАР:
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
Турдиали САЪДУЛЛАЕВ
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати
Рустам ҲАМРОҚУЛОВ
«ҚЎЙЛАНГ ХОНАНДАЛАР» телевизион конкурсининг лауреатлари:
Фотима КАРИМОВА, Салима ҚОРИЕВА, Муҳаммаджон НУРИДДИНОВ
Наманган область Навоий номидаги музикали драма театрининг солистлари.
Билетлар Я. М. Свердлов номли концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
19 ЯНВАРДАН БОШЛАБ ЯНГИ ПРОГРАММА
«ШАРҚ ЮЛДУЗЛАРИ» ҚОЛЛЕКТИВИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ
2 БЎЛИМДАН ИБОРАТ РАНГ-БАРАНГ ПРОГРАММА
Томоша соат 19.30 да; шанба кунлари 16.00 ва 19.00 да, якшанба кунлари соат 13.00, 16.00 ва 19.00 да бошланади.
КОЛЛЕКТИВ ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.
Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.
Справкалар учун телефонлар: 44-35-84, 44-35-91.

СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг
ЎРТА ОСИЁ МЕДИЦИНА ПЕДИАТРИЯ ИНСТИТУТИ
биология кафедраси ассистенти вакант вазифасига
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Конкурс муддати — 13 февралгача.
Мурожаат учун адрес: 700140, Тошкент шаҳри, Чермет кўчаси, 103-уй.

Ўзбекистон ССР Уй-жой коммунал хўжалик министрлиги Республика техник инвентаризация бюросининг коллективи Қўқон шаҳар техник инвентаризация бюроси бошлиги С. Р. Ҳамдамовга отаси
Ҳамдамжон РАҲМАТОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг Ўзбекистон радиоси коллективи Фарғона область бўйича ўз мухбири Р. Қосимовга қизи
ЮЛДУЗнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.



Редакция адреси ва телефонлар: 700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси.

А. — 13.
Р. 11026.
Индекс 64583.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12